высоковольтные измерения	юқори кучланишли ўлчовлар
высоковольтные испытания	юқори кучланишли синовлар
высоковольтный ввод	юқори кучланишли киритгич
высоковольтный изолятор	юқори кучланишли изолятор
высоковольтный трансформатор	юқори кучланишли трансформатор
высоковольтный фарфор	юқори кучланишли чинни
высокое напряжение*	юқори кучланиш *
высоконапорная гидроэлектростанция	юқори босимли гидроэлектростанция
высокотемпературная изоляция	юқори температура изоляцияси
высокочастотная защита	юқори частотали ҳимоя
высокочастотная связь	юқори частотали алоқа
высокочастотный аппарат	юқори частотали аппарат
высокочастотный кабель	юқори частотали кабель
высокочастотный обмоточный провод	юқори частотали чулгам сими
высота окна магнитной системы	магнит тизими дарчасининг баландлиги
высота отсасывания гидротурбины	гидравлик турбинанинг сўриб олиш баландлиги

высота самовсасывания	ўз-ўзидан сўрилиш баландлиги
выставление платежного требования	тўлов талабномасини кўйиш
высшая теплотворная способность	юқори иссиқлик бериш қобилияти
высшее (низшее) напряжение трансформатора	трансформаторнинг энг юқори (энг паст) кучланиши
высшее напряжение трансформатора *	трансформаторнинг энг юқори кучланиши *
вытяжка	тортиш, сўриб олиш, чўзиш
вытяжной	тортадиган, тортиб (сўриб) оладиган
выход провода	симнинг чиқиши
выходная величина *	чиқиш катталиги *
выходная цепь электрического реле *	электр реленинг чиқиш занжири *
вязкость динамическая	динамик қовушқоқлик
вязкость кинематическая	кинематик қовушқоқлик
вязкость условная	шартли қовушқоқлик

## Г

габарит воздушной линии электропередачи	ҳаво электр узатиш линиясининг габарити
габаритная стрела провеса провода *	симнинг габарит солқилиги *
габаритная стрела провеса провода воздушной линии электропередачи	ҳаво электр узатиш линияси симининг габарит солқилиги
габаритный пролёт *	габарит оралиги *
габаритный пролет воздушной линии электропередачи	ҳаво электр узатиш линиясининг габарит оралиги
газовая защита	газдан ҳимоя
газовая лампа *	газли лампа *
газонаполненный кабель	газ билан тўлдирилган кабель
газонаполненный кабель с внешним давлением	газ билан тўлдирилган ташқи босимли кабель
газонаполненный кабель с внутренним давлением	газ билан тўлдирилган ички босимли кабель
газонаполненный трансформатор	газ тўлдирилган трансформатор
газообразный диэлектрик	газсимон диэлектрик
газоопасные места *	газ хавфли жойлар *
газоразрядная лампа *	газ-разрядли лампа *
газотурбинная воздухоаккумулялирующая электростанция *	газ-турбинали ҳавони йигувчи электростанция *
газотурбинный электрогенерирующий агрегат *	газ турбинали электр ҳосил қилувчи агрегат *

гайка застопоренная	қимирламайдиган (стопорланган) гайка
гайка стяжная	тортувчи гайка
гайка шаровая	куррасимон гайка
гайка-барашек	кулокли гайка
галогенная лампа *	галогенли лампа *
гармонический состав тока короткого замыкания	қисқа туташув токининг гармоник таркиби
гаситель вибрации	вибрация сўндиргичи
гаситель вибрации с грузами	юкли вибрация сўндиргичи
гашение дуги	ёйни сўндириш
гелиоэлектрическая станция	гелиоэлектр стапцияси
генеральная проектная организация	бош лойиҳалаш ташкилоти
генератор *	генератор *
генератор измерительный	ўлчаш генератори
генератор импульсного напряжения	импульсли кучланиш генератори
генератор импульсного тока	импульсли ток генератори
генератор импульсов *	импульслар генератори *
генератор переменного тока *	ўзгарувчан ток генератори *
генератор поперечного поля	кўндаланг майдонли генератор
генератор постоянного тока *	ўзгармас ток генератори *
генератор с постоянным напряжением на выводах	чиқиш учларида ўзгармас кучланишли генератор
генератор собственных нужд *	ўз эҳтиёжлар генератори*
генераторный газ	генератор газы
генераторный трансформатор *	генераторли трансформатор*
генерация	генерация, ишлаб чиқариш
генерация реактивной мощности	реактив кувват генерацияси
генерирующие мощности	генерация қилувчи қувватлар
геотермическая электростанция *	геотермик электр станцияси*
геофизический кабель	геофизика кабелы
герконовое реле*	герконли реле *
герметизированная жила	герметикланган тола
герметизированный кабель	герметикланган кабель
герметик	герметик
гетерогенная термодинамическая система	гетероген термодинамика тизими
гибкая связь	мосланувчан алоқа
гибкий кабель *	эгиловчан кабель *
гибкий ротор	мосланувчан ротор
гигиена труда *	меҳнат гигиенаси *
гидравлика	гидравлика
гидравлическая машина	гидравлик машина

гидравлическая неравномерность	гидравлик нотекислик
гидравлическая развертка	гидравлик ёйилма
гидравлическая разрегулировка тепловой сети	иссиқлик тармоғи гидравлик ростланишининг бузилиши
гидравлическая турбина	гидравлик турбина (суб турбинаси)
гидравлическая устойчивость системы теплоснабжения	иссиқлик таъминоти тизимининг гидравлик турғунлиги
гидравлический двигатель	гидравлик двигатель (суб двигателя)
гидравлический удар	гидравлик зарба
гидравлическое уплотнение	гидравлик зичлаш
гидроагрегат*	гидроагрегат *
гидроаккумуляция *	гидроаккумуляциялаш *
гидроаккумуляционная электростанция *	гидроаккумуляцияловчи электр станцияси*
гидроакустический кабель	гидроакустика кабелли
гидрогенератор *	гидравлик генератор *
гидромеханическое оборудование*	гидромеханика ускунаси*
гидротехника	гидротехника (суб техникаси)
гидротехнические сооружения*	гидротехника иншоотлари *
гидротехнические изыскания	гидротехника изланишлари
гидротехнический туннель	гидротехника туннели
гидроузел	гидротугун, субни йиғиш ва таксимлаш иншооти
гидроэлектростанция закрытого типа	ёпик турдаги гидроэлектростанция
гидроэлектростанция подземного типа	ер ости туридаги гидроэлектростанция
гидроэлектростанция полуоткрытого типа	ярим очик гидроэлектростанция
гидроэлектростанция совмещенного типа	қўшма турдаги гидроэлектростанция
гидроэлектростанция (ГЭС)*	гидроэлектростанция (ГЭС)*
гидроэлектростанция на бытовом стоке *	манший сувда ишлайдиган гидроэлектростанция *
гидроэлектростанция открытого типа	очик турдаги гидроэлектростанция
гидроэлектростанция с недельным регулированием *	хафталик ростланувчи гидроэлектростанция *
гидроэлектростанция с сезонным регулированием *	мавсумий ростланадиган гидроэлектростанция *
гидроэнергетика	гидроэнергетика
гидроэнергетические сооружения	гидроэнергетика иншоотлари
гидроэнергетический потенциал *	гидроэнергетика потенциали *
гидроэнергетический узел *	гидроэнергетика тугуни*
гидроэнергия *	гидроэнергия *

гильза соединительная	бириктириш найчаси (гильзаси)
гирлянда изоляторов *	изоляторлар шодаси *
гироскопический электродвигатель	гироскопик электр двигатель
гистерезис	гистерезис
гистерезисная муфта	гистерезис муфтаси
гистерезисный двигатель	гистерезисли двигатель
гистерезисный электродвигатель	гистерезисли электр двигатель
гистерезисный момент электрической машины	электр машинанинг гистерезис моменти
главная изоляция обмотки *	чўлгамнинг бош изоляцияси *
главная паровая задвижка	бош буғли сурилма клапани
главная цепь низковольтного комплектного устройства (НКУ) *	паст вольтли комплект курилманинг бош занжири (ПВКК) *
главная электрическая схема электростанции (подстанции)	электр станция (подстанция)нинг бош электр схемаси
главные троллеи *	бош троллеялар *
главный возбуждатель	бош кўзгатгич
главный контакт аппарата	аппаратнинг бош контакти
главный пучок	асосий (бош) боғлам
главный распределительный щит *	бош таксимлаш шити *
глубинный затвор	чукурликдаги тамба
глухое заземление	ерга тўғридан-тўғри улаш
глухозаземленная нейтраль	ерга тўғридан-тўғри уланган нейтраль
гнездо соединительное	бириктириш уяси (туйнукчаси)
годовое регулирование стока	оқимнинг йиллик ростланиши
годовой график нагрузки по продолжительности	юккланинг давомийлик бўйича йиллик графиги
годовой график суточных выработок мощности	суткалик электр қувватини ишлаб чиқаришнинг йиллик графиги
годовой график суточных максимумов нагрузки	суткалик юклама максимумларининг йиллик графиги
годовой график тепловой нагрузки	иссиқлик юккланининг йиллик графиги
годовые объемы выработки	ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажмлари
головка изолятора *	изоляторнинг каллагии *
головка клапана	клапан каллагии
головка полупотайпая	ярим яширин каллак
головка распределительная	таксимлаш каллагии
головное сооружение	бош иншоот
гомогенная термодинамическая система	гомоген термодинамика тизими
горелка	ёндиргич, горелка

горелка сварочная	пайванлаш горелкаси
горизонтальная гидротурбина	горизонтал гидравлик турбина
горизонтальная компоновка котлоагрегата	горизонтал жойлаштирилган қозон агрегати
горизонтальное сечение	горизонтал кесим
горизонтальный насос	горизонтал насос
горн	горн, печь, ўчоқ
городская (сельскохозяйственная) электрическая сеть	шаҳар (қишлоқ хўжалик) электр тармоғи
горючая жидкость *	ёнувчан суюклик *
горючее газообразное	газсимон ёкилғи
горючее дизельное	дизель ёкилғиси
горючее твердое	каттиқ ёкилғи
горючий сланец	ёнувчи сланец
горячее водоснабжение	иссиқ сув таъминоти
гравитационная постоянная	гравитацион доимий
гравитационное поле	гравитацион майдон
гравитационный напор	гравитацион босим
градация	даражалаш, градация
градиент температуры	температура градиенти
градирня *	градирня, сув совутиш минораси *
градостроительные нормы и правила	шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари
градуированная изоляция	даражаланган изоляция
градуировка	даражалаш
граница балансовой принадлежности электрической сети *	электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегараси *
граница затопления	сув босиш чегараси
граница ответственности	жавобгарлик чегараси
граница ответственности за качество электроэнергии *	электр энергияси сифати учун жавобгарлик чегараси *
граница раздела	бўлиниш чегараси
граница раздела балансовой принадлежности тепловой сети *	иссиқлик тармоғининг баланс бўйича мансублик чегараси *
граница раздела электрических сетей	электр тармоқларининг бўлиниш (ажралиш) чегараси
граница устойчивости	турғунлик чегараси
граничная поверхность	чегараланган юза (сирт)
граничные условия	чегараланган шартлар
граничные условия при несимметрии в электроустановке	электр қурилмада носимметрия-нинг чегаравий шартлари
гранулометрический состав топлива	ёкилғининг донадорлик таркиби
график	график

график активной (реактивной) нагрузки	актив (реактив) юклама графиги
график загрузки	юклаш графиги
график нагрузки	юклама графиги
график нагрузки электроустановки	электр курилмасининг юклама графиги
график нагрузки энергоустановки потребителя *	истеъмолчи энергия курилмасининг юклама графиги *
график ограничений	чеклашлар графиги
график отключений электрической энергии	электр энергиясини ўчириш (узиш) графиги
график тепловой нагрузки	иссиқлик юкласининг графиги
график тепловой нагрузки по продолжительности	иссиқлик юкласи давомийлиги бўйича графиги
графит	графит, қоратош
гребень плотины	тўгон чўккиси (қирраси)
гроза	чақмоқ, яшин
грозовое перенапряжение	чақмоқдан ҳосил бўлган ўта кучланиш
грозовые и коммутационные импульсы	чақмоқ ва коммутация импульслари
грозозащитный	яшиндан ҳимояловчи
грозозащитный трос *	яшиндан ҳимояланган трос *
грозоразрядник	яшин разрядлагичи
громоотвод	яшин қайтаргич
грохот	катта сим ғалвир, ғалвир машина
грубая настройка	дағал созлаш, хомаки созлаш
грубая синхронизация синхронной машины	синхрон машинани дағал синхронлаш
грубое дробление	дағал майдалаш
грузоподъемные машины *	юк кўтариш машиналари *
грузы опасные *	хавфли юклар *
группа соединений обмотки автотрансформатора	автотрансформатор чулғамларининг уланиш гуруҳи
группа соединений обмоток трансформатора *	трансформатор чулғамларининг уланиш гуруҳлари *
группа*	гуруҳ *
групповая лифтовая установка *	гуруҳли лифтли курилма *
групповая сеть *	гуруҳли тармоқ *
групповая транспозиция проводов обмотки	чулғам симларининг гуруҳли ўрин алмашиши
групповое регулирование возбуждения	кўзгатишни гуруҳли ростлаш

групповое регулирование напряжения генераторов	генераторлар кучланишини гурухли ростлаш
групповое регулирование частоты и активной мощности	актив кувватни ва частотани гурухли ростлаш
групповое управление возбуждением генераторов	генераторларнинг қўзғатилишини гурухли бошқариш
грязестойкий изолятор *	ифлосга бардош изолятор *
гудрон	гудрон, нефть чикиндиси
гудронировать	гудронлаш
Д	
давление	босим
давление в линии	линиядаги босим
давление в системе смазки	мойлаш тизимидаги босим
давление избыточное	ортикча босим
давление насыщения	тўйиниш босими
давление насыщенного пара раствора	эритманинг тўйинган буғи босими
давление опорное	таянч босими
дамба	тўғон, тўсик, кўтарма тўсик, дамба
датчик	датчик
датчик предельной скорости	чегаравий тезлик датчиги
датчик радиоактивного загрязнения воздуха	хавонинг радиоактив ифлосланиш датчиги
датчик скорости	тезлик датчиги
двигатели с нормальным КПД *	ФИК нормал бўлган двигателлар *
двигатели с повышенным КПД (энергосберегающие двигатели) *	ФИК юкори бўлган двигателлар (энерготежамкор двигателлар) *
двигатель *	двигатель *
двигатель большой мощности	катта кувватли двигатель
двигатель газотурбинный	газтурбиннали двигатель
двигатель малой мощности *	кичик кувватли двигатель *
двигатель общего назначения *	умумий мақсадли двигатель *
двигатель определенного назначения	маълум мақсадли двигатель
двигатель переменного тока *	ўзгарувчан ток двигателяи *
двигатель постоянного тока *	ўзгармас ток двигателяи *
двигатель с конденсаторным пуском	конденсатор билан ишга тушириладиган двигатель
двигатель с несколькими переменными скоростями вращения	бир неча ўзгарувчан айланиш тезликли двигатель
двигатель с несколькими постоянными скоростями вращения	бир нечта ўзгармас айланиш тезликли двигатель

двигатель с переменной скоростью вращения на регулируемых ступенях	ростлаш погоналарида айланиш тезлиги ўзгарувчан двигатель
двигатель с переменной скоростью вращения	айланиш тезлиги ўзгарувчан двигатель
двигатель с постоянной скоростью вращения	айланиш тезлиги ўзгармас двигатель
двигатель с постоянной скоростью вращения на регулируемых скоростях	ростланиш тезликларида айланиш тезлиги ўзгармас двигатель
двигатель с расщеплённой фазой	ажратилган фазали двигатель
двигатель с расщепленной фазой и пусковым реактором	ажратилган фазали ва ишга тушириш реакторли двигатель
двигатель с регулируемой скоростью вращения	айланиш тезлиги ростланадиган двигатель
двигатель с экранированным полюсом	экрланган кутбли двигатель
двигатель с электромагнитной редукцией	электрмагнит редукцияли двигатель
двигатель со стандартными размерами	стандарт ўлчамли двигатель
двигатель специального назначения	махсус мақсадли двигатель
двигатель-генератор *	двигатель-генератор *
двигательный привод контактного аппарата	контакт аппаратининг двигателли юритмаси
двигатель-преобразователь	двигатель -ўзгартиргич
движущая сила	харакатлантирувчи куч, юритувчи куч
движущийся напор циркуляции	циркуляциянинг юритувчи босими
двойная изоляция *	икки қаватли изоляция *
двойная concentрическая обмотка	иккиланган (қўш) концентрик чулғам
двойная обмотка	қўш чулғам
двойное замыкание *	қўш туташув*
двойное замыкание на землю.	ерга қўш туташув
двойной пол *	иккиланган пол *
двужильный провод	қўш томирли сим
двустороннее питание*	икки томонлама таъминот *
двух (трех) обмоточный трансформатор	икки (уч) чулғамли трансформатор
двух контурная цепь	икки контурли занжир
двух, трех и более цилиндрическая турбина	икки, уч ва ундан ортиқ цилиндрли турбина
двухкаскадный усилитель	икки каскадли кучайтиргич
двухобмоточный автотрансформатор	икки чулғамли автотрансформатор
двухобмоточный трансформатор *	икки чулғамли трансформатор *

двухпозиционный регулятор	икки холатли ростлагич
двухскоростной привод	икки тезликли юритма
двухслойная (многослойная) цилиндрическая обмотка	икки қатламли (кўп қатламли) цилиндрик чулғам
двухслойная изоляция	икки қатламли изоляция, қўш қатламли изоляция
двухставочный тариф	икки ставкали тариф
двухсторонний акт	икки томонлама далолатнома
двухфазная цепь *	икки фазали занжир *
двухфазное замыкание на землю *	ерга икки фазали туташув *
двухфазное замыкание*	икки фазали туташув *
двухфазное короткое замыкание	икки фазали қисқа туташув
двухфазное короткое замыкание на землю	ерга икки фазали қисқа туташув
двухфазное прикосновение *	икки фазали тегиш *
двухфазный поток	икки фазали оқим
двухходовая (многоходовая) винтовая обмотка	икки кадамли (кўп кадамли) винтсимон чулғам
деаэратор атмосферного давления	атмосфера босимнинг деаэратори
деаэратор подпитки сетевой воды	тармоқ қўшимча сувининг деаэратори
деаэрация	хавосизлантириш, газсизлантириш
деаэрированная вода	деаэрацияланган сув
девиация	девиация, оғиш
дегазация	дегазация, газсизлантириш
дегидратация	дегидратация, сувсизланиш
деготь	катрон
дежурный персонал*	навбатчи ходимлар *
действительное значение	хақиқий қиймат
действующее значение тока короткого замыкания в электроустановке	электр қурилмасидаги қисқа туташув тоқининг амалий қиймати
деление энергосистемы*	энергетика тизимининг бўлиниши *
делитель напряжения	кучланиш бўлувчиси
делительный трансформатор	бўлувчи трансформатор
демонттировать	демонтаж қилмоқ, қисмларга ажратмоқ
демпфер	демпфер, сўндиргич, тинчлантиргич
демпфирующая петля	демпферловчи халқа
деполяризация	кутбсизланиш
деривация	деривация, оғдириш, айлантириб ўтиш
дефект	дефект, камчилик, нуқсон, иллат
дефицит мощности *	қувват танқислиги*

дефицит мощности энергосистемы *	энергетика тизимида кувват танқислиги*
дефицит располагаемой мощности энергосистемы *	энергетика тизими эга бўлган кувват танқислиги *
дефицит электрической мощности	электр куввати танқислиги
дефицит энергии *	энергия танқислиги *
деформация	деформация, шаклнинг ўзгариши
деформация упругая	эгилювчан (эластик) деформация
деформируемый магнитотвердый материал	деформацияланадиган қаттиқ магнит материал
децентрализованное теплоснабжение	марказлаштирилмаган иссиқлик таъминоти
децентрализованное электроснабжение *	марказлаштирилмаган электр таъминоти *
джутовая прослойка кабеля	кабелнинг каноп қатлами
диагональная гидротурбина	диагонал гидравлик турбина
диамагнетик	диамагнетик
диаметр стержня	ўзак диаметри
диапазон регулирования	ростлаш диапазони
диапазон регулирования напряжения	кучланишни ростлаш диапазони
дизельная электростанция	дизель электр станцияси
динамическая кривая объемов водохранилища	сув омбори ҳажмларининг динамик эгри чизиғи
динамическая устойчивость асинхронной машины	асинхрон машинанинг динамик турғунлиги
динамическая устойчивость синхронной машины	синхрон машинанинг динамик турғунлиги
динамическая устойчивость электрической системы	электр тизимининг динамик турғунлиги
динамическая устойчивость энергосистемы *	энергетика тизимининг динамик турғунлиги *
динамическая характеристика нагрузки	юккланинг динамик тавсифи
динамическая характеристика регулирования	ростлашнинг динамик тавсифи
динамические воздействия	динамик таъсирлар
динамический момент электродвигателя	электр двигателнинг динамик моменти
динамический напор	динамик босим
динамический насос	динамик насос
динамический пограничный слой	динамик чегаравий қатлам
динамический цикл гистерезиса	гистерезиснинг динамик цикли

динамическое торможение электродвигателя	электр двигателни динамик тормозлаш
дисковая катушечная обмотка	дискли ғалтакли чулғам
дисперсия	дисперсия, сочилиш
дисперсия отклонения напряжения	кучланиш оғишининг дисперсияси
диспетчерская служба энергосистемы	энергетика тизимининг диспетчерлик хизмати
диспетчерская часть энергосистемы	энергетика тизимининг диспетчерлик кисми
диспетчерские операции	диспетчерлик операциялари
диспетчерский график нагрузки энергосистемы	энергетика тизими юкламаларининг диспетчерлик графиги
диспетчерский график тепловой нагрузки	иссиқлик юкламасининг диспетчерлик графиги
диспетчерский допуск	диспетчерлик ижозати
диспетчерский пункт энергосистемы	энергетика тизимининг диспетчерлик пункти
диспетчерское разрешение	диспетчерлик рухсати
диспетчерское распоряжение	диспетчерлик фармойиши
диспетчерское телеуправление	диспетчерлик телебошқаруви
диспетчерское управление объединенной энергосистемой	бирлашган энергетика тизимининг диспетчерлик бошқаруви
диспетчерское управление энергосистемой *	энергетика тизимини диспетчерлик бошқаруви *
диспропорция	номутаносиблик
дистанционная защита	масофали химоя
дистанционная распорка	масофавий тирговуч
дистанционное управление	масофадан бошқариш
дистанция	дистанция, масофа
дифференциальная защита	дифференциал химоя
дифференциальная защита шин	шиналарнинг дифференциал химояси
дифференциальная магнитная проицаемость	дифференциал магнит ўтказувчанлик (сингдирувчанлик)
дифференциально-фазовая защита	дифференциал-фазавий химоя
дифференциальный сельсин датчик	дифференциал сельсин-датчик
дифференциальный сельсин приёмник	дифференциал сельсин қабул қилувчи
дифференциальный тариф	табақалаштирилган тариф
диффузионный поток массы	массанинг диффузион оқими
диэлектрик *	диэлектрик *
диэлектрическая абсорбция конденсатора	конденсаторнинг диэлектрик сингдирувчанлиги
диэлектрическая восприимчивость	диэлектрик қабул қилувчанлик

диэлектрическая проницаемость	диэлектрик сингдирувчанлик
диэлектрические боты	диэлектрик ботилар (чукур, кўнжи баланд калишлар)
диэлектрические перчатки	диэлектрик кўлқоллар
диэлектрические потери (потери) *	диэлектрик йўқолишлар (йўқолишлар) *
диэлектрические свойства	диэлектрик хоссалар (хусусиятлар)
диэлектрический гистерезис	диэлектрик гистерезис
диэлектрический материал *	диэлектрик материал *
диэлектрический нагрев	диэлектрик қизиш
длина	узунлик
длина пути утечки тока	ток сирқиши йўлининг узунлиги
длинная линия электропередачи	узун электр узатиш линияси
длинностержневой (составной) изолятор	узун ўзакли (йиғма) изолятор
длительная разгрузка турбин	турбиналарни узоқ муддатли юксизлантириш
длительно- допустимый ток	рухсат этилган давомий ток
длительно-допустимое напряжение	рухсат этилган давомий кучланиш
длительность	давомийлик
длительность временного перенапряжения *	вақтинчалик ўта кучланишнинг давомийлиги *
длительность изменения напряжения *	кучланиш ўзгаришининг давомийлиги *
длительность импульса *	импульснинг давомийлиги *
длительность короткого замыкания	қисқа туташувнинг давомийлиги
добавочные потери в опыте короткого замыкания	қисқа туташув тажрибасидаги кўшимча йўқолишлар
добавочные потери в токоведущих частях *	ток узатувчи қисмларда кўшимча йўқолишлар *
добавочные потери в элементах конструкции	конструкция қисмларидаги кўшимча йўқолишлар
добавочные потери электрической машины	электр машинанинг кўшимча йўқолишлари
добротность изоляции	изоляциянинг сифати (сифат даражаси)
добротность конденсатора	конденсаторнинг сифат даражаси
доводка	ўлчамига етказиш, маромига етказиш
договор	шартнома
договор на электроснабжение *	электр таъминотига шартнома *
договор электроснабжения *	электр таъминоти шартномаси *
договорная величина	шартномавий микдор

договорная величина потребления электрической энергии (мощности) *	электр энергияси (куввати) истеъмолининг шартномавий микдори *
договорная величина потребления электрической энергии *	электр энергияси истеъмолининг шартномавий микдори *
договорная нагрузка	шартномавий юклама
догорание топлива	ёнилғининг ёниб тугаши
дождевой сток	ёмғир оқими
дозарядка	меъёрига етказиб зарядлаш
дозировка горючей смеси	ёнувчи аралашмани дозалаш (меъёрлаш)
долговечность *	узок муддатга чидамлилик *
должно, необходимо, следует *	шарт, зарур, керак *
должностное лицо	мансабдор шахс
доменный газ	домна гази
донный водовыпуск, нижнее разгрузочное отверстие *	тубидан сув чиқариш, пастки бўшатувчи тешик *
доотверждение	каттиклаштириш
доочистка	кўшимча тозалаш
дополнительная изоляция *	кўшимча изоляция *
дополнительная плата *	кўшимча тўлов *
дополнительные мощности	кўшимча кувватлар
дополнительные потери	кўшимча йўқолишлар
дополнительные электротехнические средства *	кўшимча электр химоя воситалари *
дополнительный платеж	кўшимча тўлов
допуск *	ижозат *
допуск первичный *	бирламчи ижозат *
допуск повторный *	қайта ижозат *
допускаемый кавитационный запас	ижозат этилган кавитацион захира
допускается, может *	ижозат этилади, мумкин *
допускающий	ижозат берувчи
допустимая аварийная перегрузка *	ижозат этилган авария ўта юкланиши *
допустимая влажность пыли	чангининг ижозат этилган намлиги
допустимая перегрузка *	ижозат этилган ўта юкланиш *
допустимая перегрузка трансформатора	трансформаторнинг ижозат этилган ўта юкланиши
допустимая систематическая перегрузка	ижозат этилган мунтазам ўта юкланиш
допустимая температура	ижозат этилган температура
допустимая температура в штабеле	тахлам ичидаги ижозат этилган температура

допустимая температура провода (кабеля)	симнинг (кабелнинг) ижозат этилган температураси
допустимое отклонение частоты от номинального значения	частотанинг номинал қийматдан ижозат этилган оғиши
допустимость параллельной работы	параллель ишлашга ижозат этилиши
допустимые потери напряжения	кучланишнинг ижозат этилган йўқолишлари
допустимый длительный ток проводника *	ўтказгичнинг ижозат этилган давомий токи *
допустимый режим нагрузки трансформатора *	трансформаторнинг ижозат этилган юклама режими *
допустимый ток короткого замыкания*	ижозат этилган қисқа туташув токи *
доступные запасы энергии *	ишлатиш мумкин бўлган энергия захиралари *
дренаж	дренаж, сизот, сиздириш
дренажная насосная станция	дренаж насос станцияси
дренажные воды	дренаж сувлари, сизот сувлар
дренажный насос	дренаж насоси
дробильное устройство	майдалаш қурилмаси
дробление	парчалаш, майдалаш
дробление топлива	ёқилғини майдалаш
дробленный	майдаланган, янчилган
дробный	касрли, каср
другие специалисты, служащие и рабочие *	бошқа мутахассислар, хизматчилар ва ишчилар *
дубликатный отбор проб	қўш намуна олиш
дублирование *	дублерлик *
дуга	ёй
дуговая лампа *	ёйли лампа *
дуговая печь *	ёйли печь *
дуговой нагрев *	ёйли иситиш *
дуговой разряд	ёйли разряд
дугогасительная камера аппарата	аппаратнинг ёй сўндирувчи камераси
дугогасительная камера с дутьем	пуфлашли ёй сўндирувчи камера
дугообразный	ёйсимон
дугостойкая изоляция	ёйга чидамли изоляция
дугостойкость	ёйга чидамлилики
дугостойкость диэлектрика	диэлектрикнинг ёйга чидамлилиги
дужка	ёйсимон эгилган сим
дутьевое охлаждение *	пуфлаб совутиш *

дымовая труба, дымоход	тутун кувури, мўри
дымосос	тутун сўргичи
дюжина	дюжина (12 дона)
дюкер *	дюкер *
Е	
единая	ягона, умумий, барчага бир хил
единая электроэнергетическая система*	ягона электр энергетика тизими*
единая энергосистема *	ягона энергетика тизими *
единица абсолютная	абсолют бирлик
единица измерения	ўлчов бирлиги
единица нормирования	меъёрлаш бирлиги
единица приведенная	келтирилган бирлик
единица производная	ҳосиллави бирлик
единичная мощность	бирлик кувват
единичное воздействие	бир марталик таъсир
единичный	якка, айрим
единичный конденсатор *	якка конденсатор *
единичный осмотр	якка кўриқдан ўтказиш
единовременные затраты	бир вақтда бўладиган харажатлар
единое целое	бир бутун
единый закупщик	ягона харид қилувчи
единый закупщик электрической энергии*	электр энергиясининг ягона харид қилувчиси *
единый энергетический баланс *	умумий энергетика баланси *
едкий	аччик, ўткир
ежегодные эксплуатационные издержки	йиллик эксплуатацион чиқимлар
ежедневно	хар кунги, хар куни бўладиган, кундалик
емкий	сиғимли, хажмли, сиғимдор
емкостная защита обмотки	чулғамнинг сиғим ҳимояси
емкостная нагрузка	сиғимли юклама
емкостная проводимость	сиғимли ўтказувчанлик
емкостная связь *	сиғимли алоқа *
емкостное кольцо обмотки	чулғамнинг сиғим халқаси
емкостное сопротивление	сиғимли қаршилиқ
емкостное торможение асинхронного двигателя	асинхрон двигателни сиғимли тормозланиши

емкостной делитель напряжения *	сиғимли кучланиш тақсимлагичи *
емкостной трансформатор напряжения	сиғимли кучланиш трансформатори
емкость	сиғим
емкость водохранилища суточного регулирования *	суткалик ростланувчи сув омборининг сиғими*
емкость входная	кириш сиғими
емкость зарядная	заряд сиғими
емкость кабеля	кабель сиғими
емкость конденсатора	конденсатор сиғими
емкость линии	линия сиғими
емкость между проводами	симлараро сиғим
емкость отозительной системы	иситиш тизимининг сиғими
емкость системы охлаждения	совутиш тизимининг сиғими
емкость тепловой сети	иссиқлик тармоғининг сиғими
естественная влажность	табий намлик
естественная устойчивость энергосистемы *	энергетика тизимининг табий турғунлиги *
естественное водохранилище	табий сув омбори
естественное воздушное охлаждение*	табий ҳаво билан совутиш *
естественное масляное охлаждение	табий мой билан совутиш
естественный	табий
естественный заземлитель *	табий ерга улагич *
естественное распределение мощностей в замкнутых сетях	берк тармоқларда кувватларнинг табий тақсимланиши

## Ж

желонка	желонка (узун челақсимон идиш)
жесткий ротор	бикр (қаттик) ротор
живучесть энергосистемы	энергетика тизимининг яшовчанлиги
жидкий диэлектрик	суюқ диэлектрик
жила (проводник) правильной скрутки	тўғри ўралган тола (ўтказгич)
жила (изолированная)	тола (изоляцияланган)
жила заземления *	ерга улаш толаси *
жила кабеля	кабель толаси
жила неправильной скрутки	нотўғри ўралган тола
жила простой скрутки	оддий ўралган тола
жилищный	уй-жой

забереги*	кирғок четида яхлаган тасма музлар*
забрасыватель топлива	ёкилги ташлагичи
завершение	тугатиш
завеса	парда, дарпарда
зависание топлива в бункере	бункерда ёкилгининг осилиб қолиши
зависимая схема подключения системы теплоснабжения *	иссиқлик истеъмоли тизимларининг боғлиқ бўлган уланиш схемаси *
зависимая схема присоединения потребителя к сети	истеъмолчини тармоққа боғланган холда улаш схемаси
зависимый отказ *	боғланган бузилиш *
загазованность	газлар билан ифлосланиш, захарли газлар билан тўйиниш, газланиш
заглушка	тиқин, қопқок
загорание	ёниш, ўт олиш
заготовка	ярим тайёр маҳсулот
заградитель (дрессель ограждения)	тўскич (тўсиш дрессели)
загромождаться, загромождать	тиқинтирмақ, тиқилинч қилиб қўймоқ, тирбанд қилиб қўймоқ
загрязнение изоляторов	изоляторларнинг ифлосланиши
загрязненный конденсат	ифлосланган конденсат
задание	топширик
задающий генератор	белгиловчи генератор
задвижка	задвижка, сурилма клапан
заделывание	бекитиш, бекитиб ташлаш, текислаб юбориш
зажечь, зажигать	ёқмоқ, ёндирмоқ, ўт олдирмоқ
зажим	қискич, исқанжа
зажим (рассматриваемый как компонент) *	қискич (компонент сифатида кўриладиган) *
заземление *	ерга улаш*
заземление глухое	ерга тўғридан-тўғри улаш
заземление; земля; масса *	ерга улаш; ер; масса *
заземленная нейтраль *	ерга уланган нейтраль *
заземленная система *	ерга уланган тизим *
заземлитель*	ерга улагич *
заземляющее устройство*	ерга улаш қурилмаси *
заземляющий	ерга уловчи
заземляющий зажим *	ерга уловчи қискич *
заземляющий проводник *	ерга улайдиган ўтказгич *

заземляющий разъединитель *	ерга уловчи ажратгич *
зазор	тиркиш, оралик
заказное письмо	буюртма хат
закладные элементы фундамента	пойдеворга жойлаштирилган элементлар
заклепка	парчин мих
заклинивание	қадалиш
заклонка	тўсма қопқоқ, тўсиқ
заключение	хулоса, натижа
законодательство	қонунчилик
закрепить	махкамаламоқ, мустаҳкамламоқ, қотирмоқ, бириктириб қўймоқ
закрытая водяная система теплоснабжения*	ёпиқ сувли иссиқлик таъминоти тизими*
закрытая камера*	ёпиқ камера*
закрытая подстанция *	ёпиқ подстанция*
закрытая система теплоснабжения	ёпиқ иссиқлик таъминоти тизими
закрытая термодинамическая система	ёпиқ термодинамика тизими
закрытая электроустановка	ёпиқ электр қурилма
закрытое распределительное устройство *	ёпиқ тақсимловчи қурилма *
заливать, залить	тўлдирмоқ, қўймоқ
заливочный компаунд	қўйма компаунд
замедленная коммутация коллекторной машины	коллекторли машинанинг секинлашган коммутацияси
замена	алмаштириш
замкнутая система автоматического регулирования	берк автоматик ростлаш тизими
замкнутая электрическая сеть*	берк электр тармоғи *
замковая лопатка	кулфловчи куракча
замок	кулф
замыкание короткое	қисқа туташиш
замыкание межвитковое	ўрамлараро туташиш
замыкание между обмотками *	чулгамлар орасидаги туташув *
замыкание на землю	ерга туташув
замыкание через сопротивление*	қаршилиқ орқали туташув *
замыкание электрическое	электр туташиш
замыкающий контакт электрической цепи	электр занжирининг туташувчи контакти
зануление	ноль симига улаш
запаздывание регулятора	ростлагичнинг кечикиши
запас статической устойчивости электрической системы	электр тизимининг статик турғунлик захираси

запасенная выработка ГЭС; возможная выработка ГЭС *	ГЭС нинг гамланган ишлаб чиқариши; ГЭС нинг мумкин бўлган ишлаб чиқариши *
заплетка	тўкима
заполнители кабеля	кабель тўлатувчилари (тўлдиргичлар)
заполнитель (герметик)	тўлдиргич, зичлагич (герметик)
запорная арматура	беркитиш арматураси
запорный	кулфлайдиган
запрещается	такикланади, ман этилади
заряд конденсатора	конденсаторнинг заряди
зарядить	зарядламок
зарядка	зарядлаш
зарядка конденсатора	конденсаторнинг зарядланиши
зарядная мощность линии электропередач	электр узатиш линиясининг зарядлаш куватиди
зарядное устройство *	зарядлаш қурилмаси*
зарядный генератор	зарядлаш генератори
зарядный ток конденсатора	конденсаторнинг зарядлаш токи
зарядный ток линии электропередачи	электр узатиш линиясининг зарядлаш токи
заряженная частица	зарядланган заррача
заслонка	тўсма копоқ, тўсик
застой циркуляции	циркуляциянинг туриб қолиши
застроенная местность *	иморат солинган жойлар *
застройщик	қурувчи
засыпанный трубопровод	қўмилган қувур
затвор	тамба, кулф, занжир, зулфин
затвор напорного трубопровода*	босимли узатувчи қувурнинг тамбаси *
затопление	сув босиши
затупивший	ўтмаслашган
затягивать, затянуть	тарангламок, тортиб боғламок.
заусенец, заусеница	қиров, ғадир
захват	чангак
зачистка	тозалаш, тозалаб текислаш
защемить	қисиб олмок, қисиб қўймоқ
защита	химоя қилиш, химоя
защита (генераторов) от несимметричных режимов	носимметрик режимлардан (генераторларни) химоялаш
защита нулевой последовательности	ноль кетма-кетлик химояси
защита от замыкания на землю	ерга туташувлардан химоя
защита от межвитковых замыканий	ўрамлараро туташувлардан химоя
защита от перегрузок	ўта юкланишлардан химоя

защита от перенапряжения	ўта кучланишдан ҳимоя
защита от повышения напряжения (генераторов)	кучланиш ошиб кетишидан (генераторларни) ҳимоялаш
защита от разгона турбины	турбинанинг тезланиб кетишидан ҳимоя
защита от сверхтоков при внешних коротких замыканий	ташки қисқа туташувлардаги ўта тоқлардан ҳимоя
защита при вибрации подшипников	подшипникларнинг вибрациясидан ҳимоя
защита при обратной мощности	тескари қувватдан ҳимоя
защита при обрыве факела	аланга узилгандаги ҳимоя
защита при осевом сдвиге	ўқли силжишда ҳимоя
защита при отключении генератора	генераторнинг ўчиб қолишидаги ҳимоя
защита при падении давления газа или жидкого топлива	суyoқ ёнилғи ёки газнинг босими тушиб кетгандаги ҳимоя
защита при повышении температуры пара	буғ температураси ошишидан ҳимоя
защита при повышении температуры перегрева	қизитиш температурасининг ошишидан ҳимоя
защита при повышении температуры промежуточного перегрева	оралиқ ўта қизитиш температурасининг ошишидан ҳимоя
защита при понижении температуры пара	буғ температураси пасайгандаги ҳимоя
защита при прекращении питания	таъминлаш тўхтагандаги ҳимоя
защита при разрыве трубы, находящейся под давлением	босим остидаги кувур ёрилгандаги ҳимоя
защита при снижении вакуума	вакуум пасайишидан ҳимоя
защита при снижении давления масла	ёғнинг босими пасайишидан ҳимоя
защита при снижении давления пара	буғ босимининг пасайишидан ҳимоя
защита при снижении противодействия	қарши босимнинг камайишидан ҳимоя
защита при снижении температуры	температуранинг пасайишидан ҳимоя
защита при упуске воды	сув камайиб кетгандаги ҳимоя
защитное кольцо	ҳимояловчи ҳалқа
защитный изолятор	ҳимояловчи изолятор
защитный кабельный покров	кабелнинг ҳимоя қопламаси
защитный конденсатор	ҳимоялаш конденсатори
защитный покров	ҳимоя қопламаси
защитный пропиточный состав	ҳимояловчи шимдириладиган бирикма
защитный разрядный промежуток	ҳимояловчи разряд оралиги

защитный угол воздушной линии электроредации	ҳаво электр узатиш линиясининг химоя бурчаги
защитный планг	ҳимоялаш планги
защитный экран	химояловчи экран
защищенный изолятор	химояланган изолятор
заявка	буюртма, талабнома
заявленная мощность *	аввалдан буюртма берилган кувват*
звено	бўгин, таркибий қисм, звено
звено энергосистемы	энергетика тизимининг бўгини
звукоизолирующая оболочка *	товуш ўтказмайдиган қобик, товушдан изоляция қилувчи қобик*
здание	бино
зимний период	қишқи мавсум
змеевик	змеевик, бурама (спираль) найча
знаменатель	махраж
значение	қиймат
значение ступени регулирования напряжения	қучланишни ростлаш поғонасининг қиймати
значения испытательного напряжения	синов қучланишининг қиймати
зола	кул
золотник	золотник
зольность	кул миқдорининг кўрсаткичи
зона	зона, доира, минтақа
зона влияния электрического поля *	электр майдонининг таъсир доираси *
зона дуги	ёй зонаси
зона коммутации коллекторной машины	коллекторли машинанинг коммутация зонаси
зона нечувствительности тахогенератора постоянного тока	ўзгармас ток тахогенераторининг носезгирлик зонаси
зона нечувствительности регулятора	ростлагичнинг носезгирлик зонаси
зона нечувствительности системы регулирования	ростлаш тизимининг носезгирлик зонаси
зона экранирования *	экранлаш майдони *
зубец электрической машины	электр машинасининг тиши
<b>И</b>	
идеальная подача насоса	насоснинг идеал узатуви
идеальная схема регулирования стока	оқимни ростлашнинг идеал схемаси
идеальный газ	идеал газ
идеальный трансформатор	идеал трансформатор

нерархическая структура памяти	хотиранинг иерархик тузилиши
иерархия	иерархия, шажара
избежание	йўл қўймаслик, олдини олиш
избиратель ответвлений	шаҳобчалар танлагичи
избирательная схема	танлаш схемаси
избыточная масса	ортиқча масса
избыточная энергия	ортиқча энергия
избыточное снабжение*	ортиқча таъминот *
избыточный	ортиқча
извержение	отилиш
известкование	оҳак билан ишлов бериш
известковый раствор	оҳакли эритма
известь гашеная	сўндирилган оҳак
извещать	хабардор қилиш
извещение	билдиришнома
извлекать	чиқариб олиш, ажратиб олиш
изгиб	эгилиш, бурилиш
изгиб поперечный	кўндаланг эгилиш
изгиб продольный	бўйлама эгилиш
изготовитель	ишлаб чиқарувчи
изготовление	ишлаб чиқариш, тайёрлаш
изделие	буюм, ишланган нарса, маҳсулот
издержки	чиқим, ҳаражат
издержки на текущий ремонт	жорий таъмирлаш чиқимлари
изложение	баён
излом	синган жой, синиш
излучаемый	нурланувчи
излучать теплоту	иссиқлик тарқатиш
излучение	нурланиш
измельчение	майдалаш, майдаланиш
изменение	ўзгариш, ўзгартириш
изменение договорных объемов	шартномадаги ҳажмларни ўзгартириш
изменение направления тока	ток йўналишининг ўзгариши
изменение напряжения пары обмоток трансформатора	трансформатор жуфт чулғамлари кучланишининг ўзгариши
изменение остаточной ЭДС от углового положения ротора асинхронного тахогенератора	қолдик ЭЮКининг асинхрон тахогенератор роторининг бурчак ҳолатидан ўзгариши
изменение переходного сопротивления контакта при повороте ротора информационной электрической машины	ахборот электр машинаси ротори буралганида уланишининг ўтиш қаршилигини ўзгариши

изменение положения согласования трансформаторной дистанционной передачи на сельсинах (вращающихся трансформаторах) при изменении температуры	сельсин (айланувчи трансформатор)лардаги трансформаторли масофадан узатишининг температураси ўзгарганда мувофиқлашган холатининг ўзгариши
изменение фазы выходной ЭДС вращающегося трансформатора (индукционного фазовращателя) при изменении температуры	айланувчи трансформатор (индукцион фаза айлантиргич)ни чиқиш ЭЮКи фазасининг температураси ўзгаргандаги ўзгариши
изменение фазы выходной ЭДС вращающегося трансформатора (индукционного фазовращателя) при изменении напряжения возбуждения	айланувчи трансформатор (индукцион фаза айлантиргич) ни чиқиш ЭЮКи фазасининг кўзгатиш кучланиши ўзгаргандаги ўзгариши
изменение фазы выходной ЭДС при изменении частоты вращений асинхронного тахогенератора	чиқиш ЭЮКи фазасининг асинхрон тахогенераторнинг айланмиш тезлиги ўзгарганидаги ўзгариши
изменчивость стока	оқимининг ўзгарувчанлиги
измерение посредственнос	билвосита ўлчаш
измерение вибрации	вибрацияни ўлчаш
измерение дистанционное	масофадан ўлчаш
измерение приблизительное	тахминий ўлчаш
измерение прямое	бевосита ўлчаш
измерение угла потерь	йўқолиш бурчагини ўлчаш
измерение электрического напряжения между концами вала	ўқ (вал) учлари орасидаги электр кучланишни ўлчаш
измерения*	ўлчашлар, ўлчовлар*
измеритель	ўлчагич, ўлчаш асбоби
измеритель степени радиактивной загрязненности воздуха	ҳавонинг радиактив ифлосланиш даражасини ўлчагичи
измерительные трансформаторы	ўлчов трансформаторлари
измерительные цепи	ўлчов занжирлари
изнаночный	тескари, орқа томони, ички томони
износ	эскириш, ейилиш, сийқаланиш
износостойкий	ейилишга чидамли
изнутри	ичкаридан, ич томондан
изобарный процесс	изобара жараёни
изобары	босим ўзгармаслиги, изобарлар
изобилие	мўл-кўллик, сероблик
изображение	тасвир, кўрниш, сурат, расм
изображение действительное	ҳақиқий тасвир
изобретение	ихтиро
изогнутый	букилган, эгилган

изолированная ГЭС	яккаланган ГЭС
изолированная жила	изоляцияланган тола
изолированная термодинамическая система	изоляцияланган термодинамика тизими
изолированная энергосистема	яккаланган энергетика тизими
изолированный инструмент *	изоляцияланган асбоб*
изолирующий пропитанный состав	изоляцияловчи шимдириладиган таркиб
изолирующая оболочка кабеля	кабелнинг изоляцияловчи қобиги
изолирующая накладка*	изоляцияловчи қоплама *
изолирующая тяга *	изоляцияловчи тортқи *
изолирующая штанга*	изоляцияловчи штанга *
изолирующий инструмент *	изоляцияловчи асбоб *
изолирующий подъемник	изоляцияловчи кўтаргич
изолятор	изолятор
изолятор внутренней установки	ичкарида ўрнатилладиган изолятор
изолятор с полупроводящей глазурью	ярим ўтказувчи юзали (сирли) изолятор
изолятор типа А	А турдаги изолятор
изолятор типа В	В турдаги изолятор
изоляционная лента	изоляцияловчи тасма
изоляционный пропиточный состав	шимдирилувчи изоляцион бирикма
изоляция	изоляция, яккалаш, ажратиш
изоляция внешняя	ташқи изоляция
изоляция воздушной линии	ҳаво линияси изоляцияси
изоляция заводская	завод изоляцияси
изоляция кабеля	кабель изоляцияси
изоляция между обмотками	чулғамлараро изоляция
изоляция пластин (лент) магнитной системы	магнит тизими пластиналари (тасмалари) нинг изоляцияси
изоляция с нестекающей вязкой пропиткой	оқмас қовушқоқ шимдирилган изоляция
изоляция сжатым элегазом	сиқилган элегазли изоляция
изоляция термическая	термик изоляция
изоляция трансформатора	трансформатор изоляцияси
изоперм	изоперм
изотерма	температура ўзгармаслиги (изотерма)
изотерма сечения толпки	ўтхона кесимининг изотермаси
изотермическая поверхность	изотермик юза
изотермический процесс	изотермик жараён
изотропное излучение	изотроп нурланиш
изохорический процесс	изохора жараёни
изреженность	сийраклик

ил	лой, балчик
илистый	серлойка, балчикли
иллюминация	чироклар билан безатиш
имитация	имитация, ўхшатиш
импульс	импульс, туртки
импульс входной	кириш импульси
импульс выходной	чикиш импульси
импульс мгновенный	оний импульс
импульс напряжения *	кучланиш импульси *
импульс напряжения, срезанный на фронте *	фронтда кесилган кучланиш импульси *
импульсная магнитная проницаемость	импульсли магнит ўтказувчанлик
импульсная прочность изоляции *	изоляциянинг импульсга мустахамлиги *
импульсное испытательное напряжение	импульсли синов кучланиши
импульсное пробивное напряжение диэлектрика	диэлектрикнинг импульсли тешувчи кучланиши
импульсные испытания	импульсли синовлар
импульсные трансформаторы	импульсли трансформаторлар
импульсный генератор	импульсли генератор
импульсный конденсатор	импульсли конденсатор
импульсный контакт реле	релени импульсли контакти
импульсный разряд	импульсли разряд
инвариант	инвариант
инвариантность	инвариантлик
инверторная подстанция *	инверторли подстанция *
инвентаризация	инвентаризация, рўйхатлаш
индивидуальная распределительная сеть*	хусусий тақсимловчи тармоқ*
индивидуальное вещество	индивидуал модда
индивидуальный	индивидуал, ўзига хос, шахсий, хусусий, якка
индикаторный сельсин приёмник	индикаторли кабул қилувчи сельсин
индуктивное сопротивление нулевой последовательности обмотки якоря синхронной машины	синхрон машина якори чулғамининг ноль кетма-кетлик индуктив қаршилиги
индуктивное сопротивление обратной последовательности синхронной (асинхронной) машины	синхрон (асинхрон) машинанинг тескари кетма-кетлик индуктив қаршилиги
индуктивное сопротивление Потье синхронной машины	синхрон машинанинг Потье индуктив қаршилиги

индуктивное сопротивление рассеяния обмотки якоря синхронной машины	синхрон машина якори чулгамининг тарқоклик индуктив қаршилиги
индуктор синхронной машины. индуктор	синхрон машинанинг индуктори. индуктор
индукторная машина	индуктор машинаси
индукторный генератор	индукторли генератор
индукторный преобразователь частоты	индукторли частота ўзгартиргичи
индукционная машина	индукцион машина
индукционная муфта	индукцион муфта
индукционное реле	индукцион реле
индукционный датчик угла	индукцион бурчак датчиги
индукционный регулятор	индукцион ростлагич
индукционный фазовращатель	индукцион фаза айлағтиргич
индукция насыщения	тўйиниш индукцияси
инерционный сепаратор пыли	чангнинг инерцион сепаратори
иницирующая сторона	ташаббус кўрсатган томон
иностранные технологии	хорижий технологиялар
инспекция	инспекция
инструктивное указание	йўриқномавий кўрсатма , йўриқнома кўрсатмаси
инструктаж*	йўриқнома бериш*
инструкция	йўриқнома
инструмент	асбоб, восита
инструментальное обследование *	инструментал текширув *
интеграл Джоуля	Жоуль интеграли
интегральное излучение	интеграл нурланиш
интегральные критерии качества напряжения	кучланиш сифатининг интеграл мезонлари
интегрированная сеть*	интегранланган тармок *
интенсивность излучения, яркость излучения	нурланиш жадаллиги, нурланиш ёрқинлиги
интенсивность промывки	ювиш жадаллиги
интенсивный термодинамический параметр	жадал (интенсив) термодинамик параметр
информационная электрическая машина	ахборот электр машинаси
инфракрасный	инфрақизил
иные нарушения	бошқа қоида бузилишлар
ионизационный пробой	ионизацион тешилиш
ирригация	ирригация, сугориш
искажение показаний	кўрсатгичларнинг бузилиши

искатель повреждения *	бузилишни кидиргич *
исключение	истисно, мустасно, ташқари
исключительный случай	алоҳида ҳолат
искра	учқун
искрение	учқунланиш
искривление	қийшайиш
искробезопасная электрическая цепь *	учқун хавфсиз электр тармоғи *
искровой пробой	учқундан тешилиш
искровой промежуток	учқунли оралик
искусственная смола	сунъий қатрон
искусственная устойчивость энергосистемы*	энергетика тизимининг сунъий турғунлиги*
искусственный битум	сунъий битум
испарение	буғланиш
испаритель	буғлатгич
испарительная поверхность нагрева	буғлантирувчи кизиш юзаси
испарительная установка	буғлантириш қурилмаси
исполнитель	бажарувчи, ижро этувчи
исполнительные чертежи	ижро чизмалари
исполнительный электродвигатель	ижрочи электр двигатель
использование	фойдаланиш
использование водной энергии	сув энергиясидан фойдаланиш
использованный расход ГЭС	ГЭСнинг фойдаланилган сарфи
испорченный	ишдан чиккан, бузилган
исправленный платежный документ	тузатиш киритилган тўлов хужжати
исправное состояние *	ишга ярокли ҳолати, соз ҳолат*
исправный	соз, тузук, яхши ишлайдиган
испускание	таратмок, сочмоқ
испытание	синов, синаш
испытание высоким напряжением низкой частоты	паст частотали юқори кучланиш билан синаш
испытание изоляции воздействиями импульсов	изоляцияни импульслар таъсири билан синаш
испытание изоляции с загрязнением *	изоляцияни ифлосланиш билан синаш*
испытание машины при пуске	машинани ишга туширишда синаш
испытание на надежность	ишончлилиқ синови
испытание на пробой	тешилишга текширув синови
испытание на срок службы	хизмат муддатига синов
испытание на старение	эскириш синови
испытание на электрическую прочность	электр мустаҳкамлик синови

испытание по способу электрической взаимной нагрузки	ўзаро электр юклама усули бўйича синаш
испытание по способу механической взаимной нагрузки	механик ўзаро юклама усули бўйича синаш
испытание по способу самоторможения	ўз-ўзидан тормозлаш усули бўйича синаш
испытание по способу тарированного двигателя	даражаланган двигатель усули бўйича синаш
испытание при искусственном загрязнении	сунъий ифлосланишда синаш
испытание при неполной нагрузке	тўлиқмас юклама билан синаш
испытание при повышенной скорости вращения	юқори айланиш тезлиги билан синаш
испытание сердечника	ўзакни синаш
испытание торможением	тормозлаш билан синаш
испытание увлажненной изоляции*	намланган изоляция синови*
испытания*	синовлар, синашлар*
испытания изоляции на прочность	изоляцияни мустаҳкамликка синаш
испытательная установка	синов ускунаси
испытательное напряжение * выпрямленное	тўғриланган синаш кучланиши *
испытательное напряжение	синов кучланиши
испытательное напряжение конденсатора	конденсаторнинг синов кучланиши
испытательное напряжение промышленной частоты*	саноат частотали синов кучланиши *
испытательные блоки	синов блоклари
испытательные лаборатории	синов лабораториялари
искусственная устойчивость электрической системы	электр тизимининг сунъий турғунлиги
искусственное водохранилище	сунъий сув омбори
искусственное волокно	сунъий тола
истекший	муддатдан ўтган, тамом бўлган
истинное значение	ҳақиқий қиймат, ҳақиқий микдор
источник гармоник тока*	токнинг гармоникалар манбаи *
источник переменного тока	ўзгарувчан ток манбаи
источник теплоснабжения	иссиқлик таъминоти манбаи
источник теплоты*	иссиқлик манбаи*
исходная вода	бошланғич сув, дастлабки сув
исчезновение напряжения; потеря напряжения *	кучланишнинг йўқ бўлиши; кучланиш йўқолиши *

К

кабелевоз	кабель ташувчи
кабеленскатель	кабель кидиргич
кабелеукладчик	кабель ёткизгич
кабели не распространяющие горение	алангаланмайдиган кабеллар
кабель	кабель
кабель (провод) для нагрева	кизитиш учун кабель (сим)
кабель (провод, шнур) связи	алока кабели (симн, чилвири)
кабель в трубопроводе	кувурдаги кабель
кабель газонаполненный	газ тўлдирилган кабель
кабель дальней связи	узоқ алока кабели
кабель двухжильный	икки толали кабель
кабель для аэродромных огней	аэродром чироклари учун кабель
кабель задержки	ушланиш (кечкикиш) кабели
кабель изолированный	изоляцияланган кабель
кабель контрольный	назорат кабели
кабель маслonaполненный	мой тўлдирилган кабель
кабель местной связи	маҳаллий алока кабели
кабель низкого давления	паст босимли кабель
кабель повивной скрутки	кўп ўрамли кабель, эшиб буралган кабель
кабель под давлением масла в трубе	кувурдаги мой босимли кабель
кабель пучковой скрутки	дастак ўрамли кабель
кабель с бумажной пропитанной изоляцией	шимдирилган қогоз изоляцияли кабель
кабель с вспомогательным контрольным проводом	ёрдамчи назорат симли кабель
кабель с вязким пропиточным составом	қовушқоқ шимдирилувчи бирикмали кабель
кабель с жилами в отдельных оболочках	толалари алоҳида қобикланган кабель
кабель с нестекающим пропиточным составом	окмас шимдирилувчи бирикмали кабель
туташиргич – электр тармоғининг икки тутуни орасидаги бирикма, у одатда линия ва трансформатордан иборат бўлади ёки иккита кўшми шиналар тизимини боғлайди	перемычка - соединение между двумя узлами электрической сети, которое обычно состоит из линии и трансформатора или связывает между собой две соседние системы шин	Tacis Словарь терминов по энергетике
туташув жойидаги ток – қисқа туташув жойи орқали ўтаётган ток	ток в месте замыкания - ток, протекающий через место короткого замыкания	Tacis Словарь терминов по энергетике
туташувни узатиш – электр тармоқининг шинкастланган элементини, тармоқининг қолган қисмининг энергия таъминотини сақлаб қолиш ёки тиклаш мақсадида қўл билан ёки автоматик тарзда ўчириш	отключение замыкания – отключение вручную или автоматически поврежденного элемента электрической сети для поддержания или восстановления энергоснабжения в остальной части сети	Tacis Словарь терминов по энергетике
тўғон – сувдан фойдаланиш мақсадида оқиб келаётган сувни сақлаб қолиш учун сувни ушлаб турувчи иншоот	плотина - водоподпорное сооружение для удержания притекающей воды в целях ее использования	Tacis Словарь терминов по энергетике
тўғри қуёш радиацияси – берилган фазовий шароитда	прямая солнечная радиация - солнечная	Tacis Словарь

куёш гардишидан келаётган куёш радиацияси	радиация, поступающая от солнечного диска, в заданном телесном условии	терминов по энергетике
тўғрилагич – ўзгарувчан токлар тизимини бир йўналишдаги токка ўзгартириб берувчи электр энергия ўзгартиргичи	выпрямитель – преобразователь электрической энергии, который преобразует систему переменных токов в ток одного направления	СТ МЭК 50(151)-7
тўғриланган синаш кучланиши – маълум синаш шароитларида берилган вақт мобайнида электр ускунага берилаётган тўғриланган кучланишининг амплитудавий қиймати	испытательное выпрямленное напряжение — амплитудное значение выпрямленного напряжения, прикладываемого к электрооборудованию в течение заданного времени при определенных условиях испытания	Правила и нормы испытаний электрооборудова ния
тўла бўйлама қаршилик – электр тармоғида берилган элементнинг эквивалент икки қутблик фазалари учлари орасидаги тўлиқ қаршилик	полное продольное сопротивление - полное сопротивление между концами фазы в эквивалентном двухполюснике данного элемента электрической сети	Tacis Словарь терминов по энергетике
тўлиқ қаршилик – электр тармоғининг токка нисбатан қаршилигини тавсифловчи катталиқ. Занжирнинг актив ва реактив қаршиликлари квадратлари йиғиндисининг квадрат илдизи билан ифодалангани	полное сопротивление – величина, характеризующая сопротивление электрической цепи току. Выражается квадратным корнем суммы квадратов активного и реактивного сопротивления цепи	Tacis Словарь терминов по энергетике
тўлиқ юкламада истеъмол – тармоқ тўлиқ юкламага ишлаганда энергия сарфи	потребление при полной нагрузке - расход энергии при работе сети на полную нагрузку	Tacis Словарь терминов по энергетике
тўлов хужжати (иссиқлик энергияси учун) – тўлов талабномаси (топширикномаси), унга асосан иссиқлик таъминоти корхонасининг хисоб-китоб	платежный документ (за теплоэнергию) – платежное требование (поручение), на основании которого перечисляются денежные средства на	ПРАВИЛА пользования тепловой энергией

<p>рақамига пул маблағлари ўтказилади, шунингдек билдиришнома, унинг бўйича тўлов нақд пул билан амалга оширилади</p>	<p>расчетный счет теплоснабжающего предприятия, а также извещение, по которому производится оплата наличными</p>	
<p>тўлов хужжати (электр энергияси учун) – тўлов талабномаси ёки тўлов топшириқномаси, унинг асосида худудий электр тармоқлари корхонасининг хисоб-китоб рақамига пул маблағлари ўтказилади, шунингдек билдиришнома (счёт), унинг бўйича тўлов нақд пул билан амалга оширилади</p>	<p>платежный документ (за электроэнергию) – платежное требование или платежное поручение, на основании которого перечисляются денежные средства на расчетный счет предприятия территориальных электрических сетей, а также извещение (счет), по которому производится оплата наличными</p>	<p>Правила пользования электрической энергией</p>
<p>тўловчи қуёш коллектори; қуёш концентратори – қуёш радиацияси зичлигининг орттириш учун қуёш нурларининг йиғадиган қайтаргичлар, линзалар ва бошқа оптик элементлардан фойдаланиладиган қуёш коллектори</p>	<p>концентрирующий солнечный коллектор; солнечный концентратор - солнечный коллектор, в котором используются отражатели, линзы и другие оптические элементы, собирающие солнечные лучи для повышения плотности солнечной радиации</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>тўрт бурчакли схема бўйича подстанция – квадрат шаклидаги конфигурацияга эга бўлган, квадратнинг ҳар бир томони ўчиргичлари билан таъминланган берк контурни ташкил этган йиғма шиналар тизими подстанция</p>	<p>подстанция по схеме четырехугольника – подстанция с системой сборных шин, образующей замкнутый контур с конфигурацией в плане квадратной формы с выключателем в каждой стороне квадрата</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>тўсатдан ишламай қолиш – объектнинг бир ёки бир неча параметрларининг</p>	<p>внезапный отказ – отказ, характеризующийся скачкообразным изменением</p>	<p>ГОСТ 27.002-81</p>

сакрашсимон характерда ўзгаришини акс эттирадиган бузилиш	значений одного или нескольких параметров объекта	
тўсилган камера — бутушлай ёки қисман ялпи бўлмаган (тўрли ёки аралаш) тешиқларга эга бўлган тўсиқлар билан химояланган камера. Аралаш тўсиқ деганда тўрдан ва ялпи листлардан иборат тўсиқ тушунилади	огражденная камера — камера, которая имеет проемы, защищенные полностью или частично не сплошными (сетчатыми или смешанными) ограждениями. Под смешанными ограждениями понимаются ограждения из сеток и сплошных листов	Правила устройства электроустановок
узатилган электр энергия; берилган электр энергия - электр станциянинг шиналаридан тармоққа узатиладиган фойдали электр энергияси	поданная электроэнергия; отпущенная электроэнергия- полезная электроэнергия, отпускаемая в сеть с шин электростанций	Тасис Словарь терминов по энергетике
узилган юклама — истеъмолчини узишдан олдин, унга берилган кувват	отключенная нагрузка - мощность, подававшаяся потребителю в момент, предшествующий его отключению	Тасис Словарь терминов по энергетике
узук муддатга чидамлилиқ — техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ўрнатилган тизимда объектнинг ипга яроқлилиқ холатини сақлаш хусусияти	долговечность — свойство объекта сохранять работоспособное состояние при установленной системе технического обслуживания и ремонта	ГОСТ 27.002-89
узун ток ўтказгич — бир электр қурилма чегарасидан ташқарига чиқадиган, кучланиши 1000 V дан ортиқ бўлган электр симли қурилма	протяженный токопровод - токопровод напряжением выше 1000 V, выходящий за пределы одной электроустановки	ПУЭ. Раздел II
уланган юклама — электр энергиясини таксимловчи корхона томонидан таъминланиши мумкин бўлган истеъмолчи юкламасининг уланган қисми	подключенная нагрузка - часть присоединенной нагрузки потребителя, которая может быть обеспечена предприятием, распределяющим электроэнергию	Тасис Словарь терминов по энергетике

<p>уланма - электр станция, подстанция ва хоказолар чегарасида жойлашган, таксимловчи курилмага, генераторга, шчитга, йигимга уланган, кучланиши, номи ва максади бир бўлган электр занжири бир кўшилма ҳисобланади. Ўрамларининг сонидан катъий назар ҳар хил кучланишли бир трансформаторга, иккита тезликда ишловчи электр двигателга уланган электр занжири ҳам бир кўшилма деб ҳисобланади. Кўп бурчакли, бир ярим ва хоказо бурчакли схемалар орқали уланган трансформаторда, тармоқда ушбу тармоқни ёки трансформаторни таксимловчи курилмага бевосита улайдиган барча коммутацион аппаратлар ва шиналар кўшилмага тегишлидир</p>	<p>присоединение — электрическая цепь (оборудование и шины) одного назначения, наименования и напряжения, присоединенная к шинам РУ, генератора, щита, сборки и находящаяся в пределах электростанции, подстанции и т.п. электрические цепи разного напряжения одного силового трансформатора (независимо от числа обмоток), одного двухскоростного электродвигателя считаются одним присоединением. В схемах многоугольников, полуторных и т.п. к присоединению линии, трансформатора относятся все коммутационные аппараты и шины, посредством которых эта линия или трансформатор присоединены к РУ</p>	<p>ПТБ при эксплуатации электроустановок</p>
<p>улаш, кўшиш — занжирни кўлда ёки автоматик тарзда ҳимоя курилмасидан улаш. Электр тармоғи элементини (линиясини, трансформаторини) “улаш” ибораси мос коммутация аппаратларини улашни билдиради</p>	<p>включение — включение цепи вручную или автоматически от устройства защиты. Выражение «включение» элемента электрической сети (линии, трансформатора) означает включение соответствующих коммутационных аппаратов</p>	<p>Тасис Словарь терминов по энергетике</p>
<p>улгуржи истеъмолчи — қайта сотувчи (иссиқлик энергиясини) — иссиқлик таъминоти корхонасининг истеъмолчиси сифатида ҳаракат қилувчи, ўзининг балансидан иссиқлик</p>	<p>оптовый потребитель-перепродавец (тепловой энергии) — потребитель теплоснабжающего предприятия, в качестве которого выступает специализированное</p>	<p>ПРАВИЛА пользования тепловой энергией</p>

<p>тармоқлари бўлган ва  иссиқлик таъминоти  корхонасидан иссиқлик  энергиясини улгуржи харид  килувчи ва уни шартнома  бўйича турли истеъмолчиларга  қайтадан сотувчи  ихтисослашган корхона</p>	<p>предприятие, имеющее на  своем балансе тепловые сети  и осуществляющее оптовую  закупку тепловой энергии у  теплоснабжающего  предприятия и перепродажу  ее по договору на  пользование тепловой  энергией различным  потребителям</p>	
<p>умумий энергетика баланси  - мамлакатда ёки минтақада  энергетика ресурслари ва  энергиясини манбадан  олишдан то истеъмолчи  фойдаланишга қадар қазиб  олиш, қайта ишлаб чиқариш,  транспортровка, таксимлаш  ва истеъмол баланси, у  маълум давр мобайнида  энергия сарфлари ва кирими  орасидаги микдорий  мувофиқликни ифода этади</p>	<p>единый энергетический  баланс - баланс добычи,  переработки,  транспортровки,  распределения и потребления  энергетических ресурсов и  энергии в стране или регионе  от источника их получения  до использования  потребителем, выражающий  количественное соответствие  между расходом и приходом  энергии за определенный  период времени</p>	<p>Tacis Словарь  терминов по  энергетике</p>
<p>умумий истеъмол – миллий,  минтақавий ёки соҳа  даражаларида барча  манбалардан истеъмол  килинаётган энергиянинг  умумий микдори, шунингдек  бир хил вазифага  мўлжалланган энергия</p>	<p>общее потребление – общее  количество потребляемой  энергии из всех источников  на национальном,  региональном или  отраслевом уровнях, а также  энергии одного и того же  предназначения</p>	<p>Tacis Словарь  терминов по  энергетике</p>
<p>умумий мақсадли двигатель  – лойиҳаланган, каталогта  қиритилган ва стандартлашган  ишчи тавсифларига мувофиқ  келтирилган, ҳамда механик  конструкцияга эга, оддий  шароитларда бирон-бир  махсус чеклашларсиз  эксплуатация қилиш имконини</p>	<p>двигатель общего  назначения – двигатель,  сконструированный,  внесенный в каталог и  поставленный в соответствии  со стандартизированными  рабочими характеристиками  и имеющий механическую  конструкцию, позволяющую</p>	<p>СТ МЭК 50(411)-  73</p>

берадиган двигатель	эксплуатировать его в обычных условиях, без каких-либо специальных ограничений	
умумний мақсадли электр ускуна - маълум эксплуатация шароитлари, маълум мақсадлар учун специфик талабларни ҳисобга олмасдан бажарилган электр ускуна	электрооборудование общего назначения - электрооборудование, выполненное без учета требований, специфических для определенного назначения, определенных условий эксплуатации	ПУЭ Раздел VII
умумстанция аккумулятор батареяси – бошқарув, ҳимоя аппаратураларини ва барча тармоқлар сигнализациясини таъминлаш учун мўлжалланган подстанциянинг аккумулятор батареяси	общестанционная аккумуляторная батарея – аккумуляторная батарея подстанции, предназначенная для питания аппаратуры управления, защиты и сигнализации всех цепей	Tacis Словарь терминов по энергетике
умумстанция ўз эҳтиёжлари – бутун станция ва блоклар учун умумий бўлган ўз эҳтиёж ускуналарининг комплекси	общестанционные собственные нужды – комплекс оборудования собственных нужд, общих для блоков и всей электростанции	Tacis Словарь терминов по энергетике
ускуналарга тезкор хизмат кўрсатиш - қуйидаги ишлар мажмуи: ускуналарни ишга тушириш (улаш) ва тўхтатиш (ўчириш); ускуналарнинг талаб қилинаётган иш режимини амалга ошириш (алмашлаб улашларни бажариш ва ускуналарнинг кўриқдан ўтказиш); ускуналарни таъмирлашга тайёрлаш (иш жойини тайёрлаш)	оперативное обслуживание оборудования — комплекс работ: по пуску (вводу в работу) и останову (выводу из работы) оборудования; по ведению требуемого режима работы оборудования (производству переключений и осмотров оборудования); по подготовке к ремонту оборудования (подготовка рабочего места)	ПТБ при эксплуатации водного хозяйства...
ускуналарга хизмат кўрсатиш – ускуналарни	обслуживание оборудования	ПТБ при эксплуатации

эксплуатация қилиш, таъмирлаш, созлаш ва синаш, шунингдек уларда ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш	эксплуатация, наладка и ремонт, испытание оборудования, а также пусконаладочные работы на нем	тепломеханического оборудования электростанций и тепловых сетей
ускуналарга хизмат кўрсатиш — ускуналарга тезкор ва техник хизмат кўрсатиш бўйича ускуналарни эксплуатация қилиш, таъмирлаш, созлаш ва синаш, шунингдек уларда ишга тушириш-созлаш ишларини бажаришни ўз ичига олган ишлар мажмуи	обслуживание оборудования — комплекс работ по оперативному и техническому обслуживанию оборудования, включающий эксплуатацию, ремонт, наладку и испытание оборудования, а также пусконаладочные работы на нем	ПТБ при эксплуатации водного хозяйства...
устули трансформаторли ПС (УТП) — барча ускуналари ХЛ нинг бир устули таянчида ўрнатилган, ПСни тўсиш талаб қилинмайдиган очик трансформаторли подстанция	столбовая трансформаторная ПС (СТП) — открытая трансформаторная ПС, все оборудование которой установлено на одностоечной опоре ВЛ на высоте, не требующей ограждения ПС	Правила устройства электроустановок
уч ставкали тариф — сутканинг вақтига боғлиқ равишда қўлланиладиган уч хил килловатт-соатлик ставкаларни ўз ичига олган суткалик тариф	трехставочный тариф-суточный тариф, включающий три различные киловатт-часовые ставки, применяемые в зависимости от времени суток	Tacis Словарь терминов по энергетике
уч фазали жойлаштириш (компоновка) — битта қўшилмадаги учта фазанинг барча ток элтувчи элементлари ёнма-ён ўрнатилган подстанциянинг жойлаштирилиши	трехфазная компоновка — компоновка подстанции, при которой токоведущие элементы всех трех фаз одного присоединения расположены рядом	Tacis Словарь терминов по энергетике
уч фазали занжир — станцияга ёки ускунага уч фазали режимда ишлашга имкон берувчи электр занжири	трехфазная цепь — электрическая цепь, дающая возможность станции или оборудованию работать в трехфазном режиме	Tacis Словарь терминов по энергетике

<p>уч фазали туташув – электр тармоғининг бир жойида занжирнинг барча учта фаза симлари орасидаги туташув, шунингдек баъзи ҳолларда ерга туташув</p>	<p>трехфазное замыкание – замыкание в одном месте электрической сети между всеми тремя фазными проводами цепи, а также в некоторых случаях, на землю</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>учбурчакли юлдузчага ўзгартириш – контурлар сонини камайтириб, электр тармоғини ўзгартириш</p>	<p>преобразование треугольника в звезду - преобразование электрической сети с уменьшением числа контуров</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>учкуш хавфсиз электр тармоғи – берилган синов шаронгларида электр разряди ёки занжирнинг қизиқини портлаш хавфи муҳитни алангаланишга олиб келмайдиган қилиб ишланган электр занжири</p>	<p>искробезопасная электрическая цепь - электрическая цепь, выполненная так, что электрический разряд или ее нагрев не может воспламенить взрывоопасную среду при предписанных условиях испытания</p>	<p>ПУЭ Раздел VII</p>
<p>фаза – нормал ишлаганда ток узатувчи бўладиган ўзгарувчан токнинг кўп фазали тизимида симнинг, симларнинг боғламлари, чиқишлари, чулғамлари ёки бошқа элементнинг номи</p>	<p>фаза - название провода, пучка проводов, вывода, обмотки или иного элемента многофазной системы переменного тока, являющегося токоведущим при нормальной работе</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>фаза роторли асинхрон машина (фаза роторли машина) – ротор чулғами контакт ҳалқаларга уланган асинхрон машина</p>	<p>асинхронная машина с фазным ротором (машина с фазным ротором) – асинхронная машина, у которой обмотка ротора присоединена к контактными кольцам</p>	<p>ГОСТ 27471-87 СТ СЭВ 169-86</p>
<p>фазалар бўйича компоновка – ҳар бир фазаларга тегишли бўлган турли бирлашмаларнинг ток узатувчи элементлари ёнма-ён жойлашган подстанциянинг компоновкаси</p>	<p>пофазная компоновка - компоновка подстанции, при которой токоведущие элементы различных присоединений, относящийся к одним и тем же фазам, расположены рядом</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>

<p>фазалар орасидаги ўта кучланишнинг карралиги – фазалар орасидаги ўта кучланиш энг катта қийматининг мос ускунанинг рухсат этилган энг катта кучланишига нисбати</p>	<p>кратность междуфазного перенапряжения - отношение наибольшего значения перенапряжения между фазами к соответствующему наибольшему допустимому напряжению оборудования</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>фармойиш - ишни хавфсиз бажариш учун унинг мазмунини, иш жойини, вақтини, хавфсизлик чораларини (керак бўлган тақдирда) ва ишни бажариш топширилган шахсларни аниқловчи оғзаки топшириқ</p>	<p>распоряжение — устное задание на безопасное выполнение работы, определяющее ее содержание, место, время, меры безопасности (если они требуются) и лиц, которым поручено ее выполнение</p>	<p>ПТБ при эксплуатации электроустановок ПТБ при эксплуатации водного хозяйства...</p>
<p>ФНК юқори бўлган двигателлар (энерготежамкор двигателлар) – кувват йўқолишларининг йигиндиси худди шундай кувватдаги нормал ФНКли ва айланиш частотадаги двигателлардан камида 20% га кам бўлган умумсаноат вазифали двигателлар</p>	<p>двигатели с повышенным КПД (энергосберегающие двигатели) – двигатели общепромышленного назначения, у которых суммарные потери мощности не менее чем на 20 % меньше суммарных потерь мощности двигателей с нормальным КПД той же мощности и частоты вращения</p>	<p>ГОСТ Р 51677-2000</p>
<p>ФНК нормал бўлган двигателлар – ФНКи АИ сериядаги двигателларни ишлаб чиқаришда эришилган даражага мос келадиган умумсаноат вазифали двигателлар</p>	<p>двигатели с нормальным КПД – двигатели общепромышленного назначения, КПД которых соответствует уровню, достигнутому в производстве двигателей серии АИ</p>	<p>ГОСТ Р 51677-2000</p>
<p>флютбет — устидан очик сув окими оқадиган тўгон ёки бошқа босимли гидротехник иншоот қисмларининг мажмуи</p>	<p>флютбет — совокупность частей плотины или другого напорного гидротехнического сооружения, поверх которого протекает открытый водный поток</p>	<p>ПТБ при эксплуатации водного хозяйства...</p>
<p>фойдали энергия – истеъмолчи томонидан ўз</p>	<p>полезная энергия – энергия, израсходованная</p>	<p>Tacis Словарь</p>

курулмаларида электр энергия	сарфланган	потребителем на его собственных установках	терминов по энергетике
фотозлектрли батареяси – куёш энергиясини бевосита электр энергиясига ўзгартирувчи ярим ўтказгичли фотозлектрли генератор	куёш	фотозлектрическая солнечная батарея – полупроводниковый фотозлектрический генератор, непосредственно преобразующий энергию солнечной радиации в электрическую	Tacis Словарь терминов по энергетике
фронтда кесилган кучланиш импульси – максимумга етганга кадар кесилган кучланиш импульси		импульс напряжения, срезанный на фронте - импульс напряжения, срезанный до достижения им максимума	Tacis Словарь терминов по энергетике
хавфли таъсир – агарда симли алоқа ва симли хабар бериш занжирларида пайдо бўлган кучланиш ва тоқлар, хизмат кўрсатувчи ходимга ва абонентларга хавф тугдирса, ёки бу занжирларга уланган асбоблар ва аппаратларни нишдан чиқариши мумкин бўлса		опасное влияние — если напряжения и токи, возникающие в цепях проводной связи и проводного вещания, создают опасность для обслуживающего персонала и абонентов, пользующихся связью, или могут повредить аппараты и приборы, включенные в эти цепи	ПТБ при эксплуатации электроустановок
хавфли юқлар – ташилаётганда, ортиш- тушириш ишлари бажарилаётганда ва сақланаётганда портлашга, ёнғинга ёки транспорт воситалари, кемалар, омборлар, қурилмалар, бинолар ва ишоотларнинг шикастланишига, шунингдек одамлар ва ҳайвонларнинг ҳалок бўлишига, жароҳатланишига, захарланишига, қуйишига ва нурланишига, касалланишига ёки экологик вазиятнинг		грузы опасные — вещества, материалы и изделия, которые при транспортировании, выполнении погрузочно- разгрузочных работ и хранении могут послужить причиной взрыва, пожара или повреждения транспортных средств, судов, складов, устройств, зданий и сооружений, а также гибели, увечья, отравления, ожогов, облучения, заболевания людей и животных или ухудшения экологической	ПТБ пр эксплуатации водного хозяйства...

<p>ёмонлашувига сабаб бўлиши мумкин бўлган моддалар, материаллар ва махсулотлар</p>	<p>обстановки</p>	
<p>хавфли юклар – ташилганда, ортиш-тушириш ишлари бажарилаётганда ва сақланаётганда портлаш, ёнғин ёки транспорт воситалари, омборлар, курилмалар, бинолар ва иншоотлар шикастланишига, шунингдек одамлар ва ҳайвонлар ҳалок бўлишига, жароҳатланишига, захарланишига, куйишига ва нурланишига ёки касалланишига сабаб бўлиши мумкин бўлган моддалар ва предметлар</p>	<p>опасные грузы — вещества и предметы, которые при транспортировании, выполнении погрузочно-разгрузочных работ и хранении могут послужить причиной взрыва, пожара или повреждения транспортных средств, складов, устройств, зданий и сооружений, а также гибели, увечья, отравления, ожогов, облучения или заболевания людей и животных</p>	<p>ПТБ при эксплуатации тепломеханического оборудования электростанций и тепловых сетей</p>
<p>хавфсиз ажратувчи трансформатор – занжирларни ўта паст хавфсиз кучланиш билан таъминлаш учун мўлжалланган ажратувчи трансформатор</p>	<p>безопасный разделительный трансформатор – разделительный трансформатор, предназначенный для питания цепей сверхнизким безопасным напряжением</p>	<p>ГОСТ 30030-93</p>
<p>хавфсиз масофа – одам хавфли зонадан ташкарида бўлган, одам билан хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омили орасидаги энг кам масофа</p>	<p>безопасное расстояние – наименьшее расстояние между человеком и источником опасного и вредного производственного фактора, при котором человек находится вне опасной зоны</p>	<p>ГОСТ 12.2.002-80 СТ СЭВ 1084-78</p>
<p>хавфсизлик техникаси — ишлаётганларга хавфли ишлаб чиқариш омилининг таъсирини бартараф қилувчи ташкилий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими</p>	<p>техника безопасности — система организационных мероприятий и технических средств, предотвращающих воздействие на работающих опасных производственных факторов</p>	<p>ПТБ при эксплуатации водного хозяйства...</p>

<p>хизмат кўрсатилаётган зона (худуд) - ишлаётган ходим меҳнат фаолияти давомида хизмат кўрсатиши шарт бўлган ускуналар, иншоотлар ва қурилмалар жойлашган майдон</p>	<p>обслуживаемая зона — пространство расположенным в нем оборудованием, сооружениями и устройствами, которые должны обслуживать работающий в процессе трудовой деятельности</p>	<p>ПТБ эксплуатации при водного хозяйства...</p>
<p>хизмат кўрсатиш йўлаги — аппаратлар ва шиналарга хизмат кўрсатишга мўлжалланган камералар ёки КТҚ бўйлаб ўтган йўлак</p>	<p>коридор обслуживания — коридор вдоль камер или шкафов КРУ, предназначенный для обслуживания аппаратов и шин</p>	<p>Правила устройства электроустановок</p>
<p>хизмат кўрсатувчи ходимлари мажбуриятлари подстанцияда ишлаётган ходимлар томонидан кўрсатиладиган подстанция</p>	<p>подстанция с обслуживающим персоналом - подстанция, которая обслуживается специально работающим на ней персоналом</p>	<p>Тасис Словарь терминов по энергетике</p>
<p>хизмат кўрсатувчи ходимларсиз подстанция - мунтазам равишда хизмат кўрсатувчи ходимлари бўлмайдиган подстанция</p>	<p>подстанция без обслуживающего персонала - подстанция, обслуживаемая персоналом, которые не находятся на ней постоянно</p>	<p>Тасис Словарь терминов по энергетике</p>
<p>хизмат сафарига юборилган ходимлар - электр станциялар, электр ёки иссиқлик тармоқларининг амалдаги электр ускуналарида ишларни бажариш учун юборилган туман энергетика бошқармасининг (бирлашмаси), энергетика тизимининг эксплуатация қилувчи, таъмирловчи ва созловчи корхоналарининг хизмат ва бўлимлари ходимлари ва уларнинг штатида турмаган ходимлар</p>	<p>командированный персонал — персонал служб и отделов районных энергетических управлений (объединений), эксплуатационных, ремонтных и наладочных предприятий энергосистем, направляемых для выполнения работы на действующем электрооборудовании электростанций, электрических или тепловых сетей и не состоящих в их штатах</p>	<p>ПРАВИЛА организации работ с персоналом на предприятиях энергетического производства</p>

<p>хизмат сафаридаги ходимлар — чет ташкилотларнинг ходимлари</p>	<p>персонал командированный персонал организаций сторонних</p>	<p>ПТБ эксплуатация водного хозяйства... при</p>
<p>ходим — ташкилотда меҳнат шартномаси (битими) асосида ишлаётган жисмоний шахс</p>	<p>работник — физическое лицо, работающее в организации на основе трудового договора (контракта)</p>	<p>ПТБ эксплуатации водного хозяйства... при</p>
<p>ходимлар билан ишлаш — касбий функцияларни бажаришга ходимларнинг тайёргарлигини таъминловчи корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг йўналиши</p>	<p>работа с персоналом — направление производственной деятельности предприятия, предусматривающее обеспечение готовности персонала к выполнению профессиональных функций</p>	<p>ПРАВИЛА организации работы с персоналом на предприятиях энергетического производства</p>
<p>ходимлар билан ишлашнинг жамоа шакли — мавзуга оид кўриқларни, лекцияларини, кўргазмаларини ва иш натижаларига бағишланган ишлаб чиқариш кенгашларини, меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини ташкил этиш, кўргазмали агитация, мусобақаларни ва ш.ў. ўз ичига олган кўшимча чоралар мажмуаси</p>	<p>коллективная форма работы с персоналом — комплекс дополнительных мер, включающих проведение тематических смотров, лекций, выставок и производственных совещаний с подведением итогов работы, организации общественного контроля по охране труда, наглядной агитации, соревнований и т. п.</p>	<p>ПРАВИЛА организации работы с персоналом на предприятиях энергетического производства</p>
<p>хона — ҳамма томондан деворлар билан (жумладан деразалар ва эшиклар билан), қоплама (том) ва пол билан тўсилган жой</p>	<p>помещение — пространство, огражденное со всех сторон стенами (в том числе с окнами и дверями), с покрытием (перекрытием) и полом</p>	<p>ПУЭ Раздел VII</p>
<p>хонадон шчитчаси — турар- жой биноларининг зина хонасида, холларда, каватлараро йўлакларда ёки хонадонларида ўрнатилган ва хонадонларнинг гуруҳли</p>	<p>квартирный щиток - групповой щиток, установленный на лестничной клетке, в холлах, поэтажных коридорах или в квартирах жилых зданий и</p>	<p>ПУЭ Раздел VII</p>

тармоқларини улаш учун мўлжалланган гуруҳли шчитча	предназначенный для присоединения групповых сетей квартир	
хусусий таксимловчи тармоқ – хусусий истеъмолчига электр энергия, табиий газ ёки бошқа ёнилғини, ҳавони ва ш.ў. узатиш учун мўлжалланган тармоқ	индивидуальная распределительная сеть - сеть, предназначенная для подачи электроэнергии, природного газа или иного горючего, воздуха и т.д. индивидуальному потребителю	Тасис Словарь терминов по энергетике
чақнани - сиқилган газ ҳосил бўлмасдан ёнувчи аралашманинг тез ёниб тугаши	вспышка - быстрое сгорание горючей смеси, не сопровождающееся образованием сжатых газов	ПУЭ Раздел VII
чақнаш ҳарорати – ёнувчан модданинг энг паст (маҳсус синов шароитларида) ҳарорати, унинг юзаси устида ўт олдириш манбандан бирдан ёниб кетиш хоссасига эга бўлган буг ва газлар ҳосил бўлади, лекин уларнинг ҳосил бўлиш тезлиги кейинчалик ёниш учун старли эмас	температура вспышки - самая низкая (в условиях специальных испытаний) температура горючего вещества, при которой над его поверхностью образуются пары и газы, способные вспыхивать от источника зажигания, но скорость их образования еще недостаточна для последующего горения	ПУЭ Раздел VII
чангсимон ёнилғи учун қозон – чангсимон ёнилғида ишлаш учун лойиҳалаштирилган бугли қозон	котел для пылевидного топлива - паровой котел, запроектированный для работы на пылевидном топливе	Тасис Словарь терминов по энергетике
частота бўйича энергетика тизимининг ростлаш самараси - энергетика тизимида иккыламчи ростлаш бўлмаганда, қувват ўзгаришининг мос частота ўзгаришига нисбати	регулирующий эффект энергосистемы по частоте – отношение изменения мощности к соответствующему изменению частоты при отсутствии вторичного регулирования в энергосистеме	Тасис Словарь терминов по энергетике

<p>частота ўзгартиргич агрегати – двигатель-генератор, унинг ёрдамида ўзгарувчан ток бир частотадан бошқа бир частотага ўзгартирилади</p>	<p>агрегат преобразования частоты – двигатель-генератор, с помощью которого переменный ток одной частоты преобразуется в переменный ток другой частоты</p>	<p>СТ МЭК 50(411)-73</p>
<p>частота ўзгартирувчи подстанция – бир частотали ўзгарувчан ток бошқа частотали токга ўзгартирилувчи подстанция</p>	<p>подстанция, преобразующая частоту-подстанция, на которой переменный ток одной частоты преобразуется в ток другой частоты</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>частотани ва актив кувватни ростлаш – электр тизимнинг ҳосил қилувчи агрегатларининг актив кувватини, бошқа энергетик тизимларнинг частота ва алмаштириш куввати ўзгаришига мос равишда иккиламчи ростлаш</p>	<p>регулирование частоты и активной мощности – вторичное регулирование активной мощности генерирующих агрегатов электрической системы в соответствии с изменениями частоты и обменной мощности с другими энергетическими системами</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>частотанинг барқарорлиги – электр энергетика тизимида частотани ушлаб туриш сифати, берилган вақт давомида частотанинг оғиши билан баҳоланади</p>	<p>стабильность частоты - качество поддержания частоты в электроэнергетической системе, оцениваемое по ее отклонениям за данный интервал времени</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>частотанинг оғиши – берилган вақт давомида электр энергетика тизимидаги частотанинг ва унинг номинал қиймати орасидаги фарқ</p>	<p>отклонение частоты - разность между частотой в электроэнергетической системе в данный момент времени и ее номинальным значением</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>частотанинг пасайиши – узок вақт давомида частотанинг номинал қийматдан пастга оғиши, асосан энергетика тизимидаги ўта юкланишдан келиб чиқади</p>	<p>снижение частоты – длительное отклонение частоты ниже номинальной, главным образом из-за перегрузки энергетической системы</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>

<p>чеклаш энергиясини) — иссиқлик энергиясидан шартномасида тутилган тадбирларни натижасида муайян вақт оралиғи давомида, шунингдек иссиқлик корхонасининг тармоқларида ҳолатлари туфайли пайдо бўлган авария режимлари вақтида истеъмоличига етказиб бериладиган иссиқлик энергияси микдорининг камайиши</p>	<p>ограничение (тепловой энергии) — снижение величины поставки тепловой энергии потребителю за определенный промежуток времени вследствие применения предусмотренных в договоре на пользование тепловой энергией мероприятий, а также при аварийных режимах в тепловых сетях теплоснабжающего предприятия, возникших по форс-мажорным обстоятельствам</p>	<p>ПРАВИЛА пользования тепловой энергией</p>
<p>чеклаш энергиясини) — шартномада назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш оқибатида муайян вақт оралиғи давомида, шунингдек худудий электр тармоқлари корхоналарининг электр тармоқларида форс-мажор ҳолатлар туфайли пайдо бўлган авария режимлари вақтида истеъмоличига шартномада белгиланган электр энергияси ва (ёки) куввати етказиб бериш микдорининг камайиши</p>	<p>ограничение (электрической энергии) — снижение договорной величины поставки электрической энергии и (или) мощности потребителю за определенный промежуток времени вследствие осуществления предусмотренных в договоре электроснабжения мероприятий, а также при аварийных режимах в электрических сетях предприятий территориальных электрических сетей, возникших по форс-мажорным обстоятельствам</p>	<p>Правила пользования электрической энергией</p>
<p>чексиз кувватли шиналар — кучланишининг амплитудаси, фазаси ва частотаси берилган бўлиб, тармоқдаги ихтиёрий юклама ўзгаришларида ўзгармасдан қоладиган электр тармоғи тугуши</p>	<p>шины бесконечной мощности - узел электрической сети, в котором амплитуда, фаза напряжения и частота заданы и остаются неизменными при любых изменениях нагрузки сети</p>	<p>Тасiс Словарь терминов по энергетике</p>

чердак хонаси – бинонинг юкори кавати устида жойлашган ишлатилмайдиган хона, унинг шишти бинонинг томидир ва ёнувчан материаллардан тайёрланган тутиб турувчи конструкцияларга (томга, фермаларга, чердак тўсинларига, балкаларга ва ш.ў.) эга	чердачное помещение - непроизводственное помещение над верхним этажом здания, потолком которого является крыша здания и которое имеет несущие конструкции (кровлю, фермы, стропила, балки и т.п.) из стораемых материалов	ПУЭ. Раздел II
чиқарма, қисқич, клемма – электр тармоғида улаш учун қўлланиладиган нуқта	вывод, зажим, клемма – точка в электрической цепи, предназначенная для соединения	Тасис Словарь терминов по энергетике
чиқиш катталиги – занжирнинг чиқиши сифатида кўрилатган қисқичлардаги ток ёки кучланиш	выходная величина – ток или напряжение на зажимах, рассматриваемых как выход цепи	ГОСТ 19880-74
чўққи ишлаб чиқарувчи агрегат – энергетика тизимининг юкламаси тез кўтарилганда қисқа вақт ишлаш учун электр ишлаб чиқарувчи қурилма	пиковый генерирующий агрегат – электрогенерирующая установка для кратковременной работы при быстром подъеме нагрузки энергетической системы	Тасис Словарь терминов по энергетике
чўққи электростанция – юклама графининг чўққисида ишлайдиган электростанция	пиковая электростанция- электростанция, работающая в пике графика нагрузки	Тасис Словарь терминов по энергетике
чўққида иштирок этиш – максимал юклама даврида қурилманинг истеъмоли	участие в пике - потребление установки в период максимальной нагрузки	Тасис Словарь терминов по энергетике
чўлғамлар орасидаги туташув – ускунада турли чўлғамларнинг симлари орасидаги туташув	замыкание между обмотками – замыкание между проводами различных обмоток оборудования	Тасис Словарь терминов по энергетике
чўлғамнинг бош изоляцияси – остов қисмларидан ва бошқа чўлғамлардан чўлғам изоляцияси	главная изоляция обмотки – изоляция обмотки от частей остова и от других обмоток	ГОСТ 16110-82 СТ СЭВ 1103-78

шамол босимининг максимал бўсага тезлиги – шамол босими тезлиги, агар ундан ортганда муайян турбина фойдали энергияни ишлаб чиқаришни тўхтатади	максимальная пороговая скорость напора ветра - скорость напора ветра, при превышении которой конкретная турбина перестает производить полезную энергию	Tacis Словарь терминов по энергетике
шамол босимининг минимал бўсага тезлиги – муайян турбина фойдали энергияни ишлаб чиқаришни бошлайдиган шамол босимининг тезлиги	минимальная пороговая скорость напора ветра - скорость напора ветра, при которой конкретная турбина начинает производить полезную энергию	Tacis Словарь терминов по энергетике
шамол оралиги $l_{\text{ветр}}$ - шамолнинг симга ёки тросга босими таянчлар орқали кабул қилинадиган ХЛ нинг участка узунлиги	ветровой пролёт $l_{\text{ветр}}$ - длина участка ВЛ, давление ветра на провода или тросы с которого воспринимаются опорой	ПУЭ. Раздел II
шамол электр станцияси – шамол энергияси электр энергиясига айлантириладиган электр станция	ветроэлектростанция – электростанция, в которой энергия ветра преобразуется в электрическую энергию	Tacis Словарь терминов по энергетике
шамол энергияси – шамолнинг ҳаракатланиши асосида олинishi мумкин бўлган энергия	энергия ветра - энергия, которая может быть получена на основе движения ветра	Tacis Словарь терминов по энергетике
шарт, зарур, керак - ушбу Қондалар талабларини бажарилиши мажбурийлигини билдиради	должно, необходимо, следует — обозначают обязательность выполнения требований настоящих Правил	ПТБ при эксплуатации электроустановок, ПТБ при эксплуатации водного хоз...
шина ажратгичи – икки ёки учта шиналар тизимига эга бўлган подстанцияда бир йиғма шиналар тизимига бирлашмаларни улаш учун мўлжалланган ажратгич	шинный разъединитель – разъединитель, предназначенный для подключения присоединений к одной из систем сборных шин на подстанции с двумя или тремя системами шин	Tacis Словарь терминов по энергетике
шиналар тизими секцияси – иккита коммутация аппаратлари ўртасида жойлашган, шиналарга кетма-	секция системы шин - часть системы сборных шин, расположенная между двумя коммутационными	Tacis Словарь терминов по энергетике

кет ёки ажратувчи қурилма ва шиналар тизимлари охири ўртасида уланган йиғма шиналар тизимининг қисми	аппаратами, включенными в шины последовательно, или между разъединяющим устройством и концом системы шин	
шиналарни бириктирувчи ўчиргич – подстанцияда иккита йиғма шиналар тизимини бириктиришга лмкон берувчи ўчиргич; ажратгичлар билан бириктирилиши мумкин	шинпосоединительный выключатель – выключатель, который позволяет соединять две системы сборных шин на подстанции; может присоединяться разъединителями	Тасис Словарь терминов по энергетике
шиналарнинг захира тизими – айрим ҳолларда ишлатиладиган, подстанциянинг икки ёки уч шиналар тизимидан иборат йиғма шиналар тизими	резервная система шин - система сборных шин подстанции с двумя или тремя системами шин, которая используется в отдельных случаях	Тасис Словарь терминов по энергетике
шиннали ерга улагич - ерга кўмиладиган металл тасма шаклидаги ерга улагич	шинный заземлитель- заземлитель в виде металлической полосы, закапываемой в землю	Тасис Словарь терминов по энергетике
шиннали ўтказгич – заводда тайёрланган, комплект секциялар билан етказиб бериладиган 1000 V гача бўлган қаттиқ ток ўтказгич	шинопровод - жесткий токопровод до 1000 V заводского изготовления, поставляемый комплектными секциями	ПУЭ. Раздел II
штирли изолятор – штирга ёки таянчнинг илгагига маҳкамланадиган, изоляция деталидан ташкил топган изолятор	штыревой изолятор – изолятор, состоящий из изоляционной детали, закрепляемой на штыре или крюке опоры	ПУЭ. Раздел II
шуга — юзага қалқиб чиққан ёки оқим ичкарасига кириб қолган ички сув музлари	шуга — всплывший на поверхность или занесенный в глубь потока внутриводный лед	ПТБ при эксплуатации водного хозяйства...
шчитли хоша – КҚ, КТҚ, БТШ, ИТШ ва ш.ў. ўрнатилган ва фақат хизмат кўрсатувчи ходимларнинг кириши мумкин	щитовое помещение - запирающееся помещение, доступное только для обслуживающего персонала,	ПУЭ Раздел VII

<p>бўлган, кулфланадиган хона</p>	<p>в котором устанавливаются ВУ, ВРУ, ГРЩ, ВРЩ и т.п.</p>	
<p>эга бўлган кувват – аниқ пайтда станция ёки агрегат томонидан мавжуд шароитларда ва чекланмаган узатиш имкониятларида маълум вақт давомида таъминланиши мумкин бўлган максимал кувват</p>	<p>располагаемая мощность – максимальная мощность, которая в конкретный момент может быть обеспечена станцией или агрегатом на определенный период времени в существующих условиях и при неограниченных возможностях передачи</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>эгиловчан кабель – фойдаланиш жараёнида эгиловчанлик талаб этиладиган, ҳамда конструкцияси ва материаллари шу талабга жавоб берадиган кабель</p>	<p>гибкий кабель – кабель, от которого требуется гибкость в процессе эксплуатации и конструкция и материалы которого отвечают этому требованию</p>	<p>СТ МЭК 50(461)- 84</p>
<p>эквивалент тармоқ – кўриб чиқилаётган тармоқни, чегаравий тугунарда параметрларини ўзгартирмасдан, алмаштириши мумкин бўлган электр тармоғи</p>	<p>эквивалентная сеть – электрическая сеть, которая может заменить рассматриваемую сеть без изменения параметров режима в граничных узлах</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>экранилаш майдони - электр майдони кулланганлиги 5 kV/m дан ошмайдиган электр майдони таъсир чегараси яқинидаги майдонда жойлашган бино ва иншоотлар, ҳамда ерга уланган металл конструкциялар, ускуна пойдеворлари, трансформаторлар ва йирик габаритли объектлар жойлашган майдон</p>	<p>зона экранирования – пространство вблизи находящихся в электрическом поле зданий и сооружений, а также заземленных металлоконструкций, фундаментов под оборудование, силовых трансформаторов и крупногабаритных объектов, в котором напряженность электрического поля не превышает 5 kV/m</p>	<p>ПТБ при эксплуатации электроустановок</p>
<p>эксплуатация – махсулотнинг сифати жорий қилинадиган, саклаб туриладиган ёки тикланадиган</p>	<p>эксплуатация – стадия жизненного цикла изделия, на которой реализуется, поддерживается или</p>	<p>ПРАВИЛА технической эксплуатации электроустановок потребителей</p>

хаётий даври	восстанавливается его качество	
эксплуатация — гидротехник иншоотлар ва гидромеханик ускуналардан мунтазам равнишда фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш	эксплуатация систематическое использование, техническое обслуживание и ремонт гидротехнических сооружений и гидромеханического оборудования	ПТБ при эксплуатации водного хозяйства...
элегазли комплект таксимловчи курилма (ЭКТК) — асосий ускуналари изоляцияловчи ва (ёки) ёй ўчирувчи мухит бўлиб хизмат кўладиган элегаз (SF <sub>6</sub> ) билан тўлдирилган қопламалар билан ўралган ТҚ. Ичкарида ўрнатиш учун мўлжалланган комплект таксимловчи курилма қисқача КТҚ деб, ташкарида ўрнатиш учун эса —ТКТҚ деб белгиланади. КТҚ нинг бир тури бўлиб ЙБК — йиғма бир томонлама хизмат кўрсатиладиган камера хисобланади	комплектное распределительное устройство элегазовое (КРУЭ) — РУ, в котором основное оборудование заключено в оболочки, заполненные элегазом (SF <sub>6</sub> ), служащим изолирующей и (или) дугогасящей средой. Комплектное распределительное устройство, предназначенное для внутренней установки, сокращенно обозначается КРУ, а для наружной — КРУН. Разновидностью КРУ является КСО — камера сборная одностороннего обслуживания	Правила устройства электроустановок
электр энергиясини хисобга олиш нуктаси — электр таъминоти схемасидаги нукта, унда ўлчаш асбоби (хисоблаш счетчиги, хисоблаш схемаси ва ш.ў) ёки бошқа усул ёрдамида электр энергиясининг сарф катталиклари аниқланади	точка учета электрической энергии — точка схемы электропитания, в которой с помощью измерительного прибора (расчетного счетчика, схемы учета, и т. п.) или иным методом определяются величины расхода электрической энергии	ИНСТРУКЦИЯ по организации расчета и нормирования расхода электроэнергии на ее транспорт по электрическим сетям ГЭК «Узбекэнерго»
электр агрегати (электр станцияси) ишлашининг авариявий режими — меъёрий-техник хужжатларда	аварийный режим работы электроагрегата (электростанции) состояние, при котором	ГОСТ 20375-83

<p>белгиланган кувват ва (ёки) сифат кўрсаткичларига мувофик электр энергиясини ишлаб чиқара олмайдиган электр агрегатининг (электр станциянинг) холати</p>	<p>электроагрегат (электростанция) не способен (не способна) вырабатывать электрическую энергию с установленными в нормативно-технической документации мощностью и (или) показателями качества</p>	
<p>электр белгиси – электр ёйи ёки одам тапаси орқали ток ўтишидан пайдо бўлган тери юзасидаги кўринарли белги</p>	<p>электрический знак-видимый знак на поверхности кожи, вызванный электрической дугой или прохождением тока через тело человека</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>электр занжир шахобчаси – бир хил ток оқиб ўтадиган электр занжирининг қисми</p>	<p>ветвь электрической цепи – участок электрической цепи, вдоль которого протекает один и тот же ток</p>	<p>ГОСТ 19880-74</p>
<p>электр занжири – электр тоқи оқиши мумкин бўлган турли қурималар ва уларни бирлаштирувчи симларнинг мажмуи</p>	<p>электрическая цепь-совокупность различных устройств и соединяющих их проводников, по которым может протекать электрический ток</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>электр занжирининг уч линияли схемаси - ҳар бир фаза ва нейтраль симлари алоҳида линия бўлиб ифодаланган электр тармоғининг уч фазали схемаси</p>	<p>трехлинейная схема электрической сети - схема трехфазной электрической сети, в которой каждый фазный и нейтральный провод изображен отдельной линией</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>электр иситишга тариф – хоналарни иситишга ёки иссиқлик билан боғлиқ бошқа жараёшларга сарфланган электроэнергия учун тариф</p>	<p>тариф на электроотопление - тариф на электроэнергию, расходуемую на отопление помещений или иные процессы, связанные с теплом</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>
<p>электр истеъмол; юклама; истеъмол қилинаётган кувват - истеъмолчига узатишган электр энергиянинг миқдори, киловатт ёки</p>	<p>электропотребление; нагрузка; потребляемая мощность - количество электроэнергии, отпущенной потребителю, выраженное в</p>	<p>Tacis Словарь терминов по энергетике</p>

киловольт-амперларда ифодалангани	киловаттах или киловольт- амперах	
электр ишлаб чиқарувчи агрегат – механик энергияни ёки иссиқликни электр энергиясига ўзгартирувчи айланувчи машиналар мажмуаси	электрогенерирующий агрегат – комплекс вращающихся машин, преобразующих механическую энергию или тепло в электрическую энергию	Tacis Словарь терминов по энергетике
электр куйиш – тана бўйлаб ёки тана ичкарасида электр токи оқиши туфайли юзага келадиган тери ёки тана қисмлари куйиши	электрический ожог - ожог кожи, или части тела, возникающий при протекании электрического тока по поверхности или в глубине тела	Tacis Словарь терминов по энергетике
электр қурилма - электр энергиясини ҳосил қилиш ёки ўзгартириш, узатиш, тақсимлаш ёки истеъмол қилиш учун мўлжалланган ўзаро боғланган усқуналар ва иншоотлар мажмуи	электроустановка — комплекс взаимосвязанного оборудования и сооружений, предназначенный для производства или преобразования, передачи, распределения или потребления электрической энергии	ПРАВИЛА технической эксплуатации электроустановок потребителей
электр қурилмаларини эксплуатацияси билан шуғулланувчи маъмурий техник ходимлар – район энергетика бошқармалари, корхоналари, цехлари, лабораториялари, туман электр тармоқлари ва участкалари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, ҳамда маъмурий вазифалар юклатилган муҳандислар, техниклар ва усталар	административно- технический персонал, занимающийся эксплуатацией электроустановок — руководители, начальники служб и отделов районных энергетических управлений, предприятий, цехов, лабораторий, районов и участков электросетей, заместители указанных лиц, а также инженеры, техники, мастера, на которых возложены административные функции	ПТБ при эксплуатации электроустановок
электр қурилманинг нейтраллари – генераторлар ёки трансформаторларнинг юлдузга уланган	нейтрали электроустановки – общие точки обмотки генераторов или трансформаторов,	Л.Д.Рожкова, В.С.Козулин Электрооборудова ние станций и подстанций

чулгамларининг умумий нукталари	соединенные в звезду	
электр қурилмаси – электр энергиясини ишлаб чиқариш, трансформация қилиш, узатиш, таксимлаш ҳамда уни энергиянинг бошқа турига айлантириш учун мўлжалланган машиналар, аппаратлар, электр узатиш линиялари ва ёрдамчи ускуналар (улар ўрнатилган иншоотлар ва бинолар билан бирга) мажмуи	электроустановка совокупность машин, аппаратов, электропередачи вспомогательного оборудования (вместе с сооружениями помещениями, в которых они установлены), предназначенных для производства, трансформации, передачи, распределения электрической энергии и преобразования ее в другой вид энергии	Правила пользования электрической энергией ПРАВИЛА производства, передачи и распределения электрической энергии
электр қурилмаси; электр қурилма – электр энергиясини ишлаб чиқариш, ўзгартириш, айлантириш, узатиш, таксимлаш, саклаш ёки фойдаланиш учун мўлжалланган бир бутун ишлаб чиқариш бирлигининг мажмуидан ташқил топган фуқаро муҳандислик иншооти, биноси, машинаси, қурилмаси, берилган ускуналари бор бўлган линия	электрическая установка; электроустановка - гражданское инженерное сооружение, здание, машина, устройство, линия с приданным оборудованием, составляющие в совокупности интегрированную производственную единицу, предназначенную для выработки, преобразования, превращения, передачи, распределения, хранения или использования электроэнергии	Тасис Словарь терминов по энергетике
электр линиядан тармоқланиш; тармоқнинг асосий ток ўтказгичидан чиқарилган қисми (шахобча) – асосий линиянинг бирон-бир нуктасидан бошланган электр линияси	ответвление от электрической линии; отпайка – электрическая линия, начинающаяся в одной из точек основной линии	Тасис Словарь терминов по энергетике
электр майдонининг таъсир доираси – электр майдонининг қучланганлиги	зона влияния электрического поля – пространство, в котором	ПТБ при эксплуатации

5 kV/m дан кўп бўлган очик майдон	напряженность электрического поля превышает 5 kV/m	электроустановок
электр машина хопалари (ЭМХ) - электр генераторлари, айланувчи ёки статик ўзгартиргичлар, электр двигателлар, трансформаторлар, таксимловчи курилмалар, шчитлар ва бошқарув пультлари, шунингдек уларга тегишли бўлган ёрдамчи ускуналар биргаликда ўрнатилиши мумкин бўлган хоналар	электромашиинные помещения (ЭМП) - помещения, в которых совместно могут быть установлены электрические генераторы, вращающиеся или статические преобразователи, электродвигатели, трансформаторы, распределительные устройства, щиты и пульты управления, а также относящиеся к ним вспомогательное оборудование	ПУЭ Раздел V
электр подстанциянинг ячейкаси – ушбу уланманинг коммутация аппаратларини ўз ичига олган подстанциянинг кисми	ячейка электрической подстанции - часть подстанции, содержащая коммутационную аппаратуру данного присоединения	Тасис Словарь терминов по энергетике
